**Биз “Янги Ўзбекистон – инвестициялар учун катта имкониятлар мамлакати” деган тамойилни амалий натижаларга айлантириш мақсадида барча чораларни кўряпмиз.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ


*O‘zingni angla!*

# Hurriyat

*Mustaqil gazeta*

2025-yil
18-iyun
chorshanba
№ 24 (1451)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * www.uzhurriyat.uz * gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi


ЭЪТИРОФ

# ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ МАРКАЗИГА АЙЛАНИШИ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА

**Хорижий иштирокчилар ва экспертлар мамлакатимизда бўлиб ўтган IV Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳақида**

**Маълумки, пойтахтимизда Ўзбекистоннинг глобал сармоявий мулоқотнинг муҳим иштирокчиси сифатидаги мақомини мустаҳкамлаган кенг кўламли тадбир – IV Тошкент халқаро инвестиция форуми муваффақиятли тарзда бўлиб ўтди. Тадбирда 100 га яқин давлатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, йирик трансмиллий компаниялар раҳбарлари, нуфузли халқаро молия институтлари вакиллари, инвесторлар, шунингдек, бизнес вакиллари иштирок этди.**

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев форумнинг ялпи мажлисида сўзлаган нутқида “Биргаликда шундай инвестиция муҳитини яратайликки, у даромад келтириш билан бирга, инсон қадрини улуғлайдиган, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлайдиган ва жамият равнақига хизмат қиладиган мустаҳкам пойдеворга айлансин”, – дея таъкидлади.

Форум дастуридан глобал ва минтақавий иқтисодиёт, сармоявий ҳамкорлик, барқарор ривожланиш, рақамли трансформация ва “яшил” ўсишнинг энг долзарб муаммоларига бағишланган қатор панель сессиялари, давра суҳбатлари ва муҳокамалар ўрин олди. Муҳокама мавзулари замонавий иқтисодий кун тартибининг устувор йўналишларини ўзида акс эттирди ва бизнес амалиётчилари, таҳлилчилар ва экспертларда катта қизиқиш уйғотди.

Анжуман Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳиятини намойиш этиш учун асосий платформага айланди. Иштирокчилар эътиборига энергетика, инфратузилма, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва АКТ соҳаларида амалга оширилаётган янги лойиҳалар, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар тақдим этилди.

Иштирокчилар ҳам, халқаро экспертлар ҳам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўзаро тажриба алмашиш ва стратегик ташаббусларни муҳокама қилиш учун самарали майдон сифатида Тошкент халқаро инвестиция форумининг аҳамияти ортиб бораётганини таъкидладилар.

**Одиль Рено-Бассо, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти:**




— Ислоҳотлар ва иқтисодиётни либераллаштириш нуқтаи назаридан Ўзбекистон хусусий сармоя киритиш имкониятларини кенгайтиришни давом эттириши керак. Хусусийлаштириш ва меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш борасида сезиларли ютуқларга эришилган бўлса-да, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий сектор ўсишини рағбатлантириш учун ҳали кўп ишлар қилиниши лозим.

Ҳозиргача эришилган натижалар жуда қувонарли. Масалан, қайта тикланадиган энергетикага инвестициялар катта миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилди, иқтисодий фаолликни рағбатлантирди ва ижобий таъсир кўрсатди.

Сўнгги йилларда инвестициялар даражаси барқарор ўсиб бормоқда, Ўзбекистон ЕТТБ инвестициялари ҳажми бўйича етакчи 5 давлат тоифасига киради. Ушбу ижобий тенденция келгуси йилларда ҳам давом этишини кутамиз.

**Идракас Дадасовас, “Penki Kontinentai Group” халқаро корпорацияси бошқаруви раиси:**

— Мен форумда биринчи марта иштирок этмаяпман ва ҳар сафар бу тадбир қай даражада аниқ ва профессионал ташкил этилганига яна бир бор амин бўляпман. Бу оддий форум эмас – бу пухта тайёргарлик асосида ўтказилаётган жиддий халқаро тадбирдир. Бутун дунёдан шунчалик банд ва таъсирли шахсларни бир жойга жамлашнинг ўзи Ўзбекистондаги инвестиция муҳити ва унга бўлган юқори ишончни кўрсатади.

Мен давлат тузилмаларида рақамли маълумотларни қайта ишлаш бўйича ечимлар қандай тезликда жорий этилаётганини кўряпман. Бу эса давлат даражасида чуқур стратегик иш олиб борилаётганини англатади. Президентнинг модернизация ва рақамлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётгани Ўзбекистон узоқ муддатли ва пухта ўйланган ривожланиш стратегиясини шакллантираётганидан далолат беради.

**Йованка Порше, “Global Neighbours” ташкилоти раиси ва асосчиси:**

— Менимча, Ўзбекистон чинакам бой маданий меросга эга бўлиб, бу мерос чин дилдан қойил қолдирди. Шу билан бирга, мамлакат бизнес ривожи учун улкан салоҳиятни намоён қилмоқда. Бундай форумларнинг ўтказилиши жуда муҳим ташаббус бўлиб, алоҳида эътиборга лойиқдир. Мазкур шаклдаги тадбирлар одамларни бирлаштиради, янги алоқаларнинг пайдо бўлишига хизмат қилади ва дунёнинг ушбу минтақасида қандай ижобий ўзгаришлар рўй бераётганини бевосита кўриш имконини беради. Бу ҳақиқатан ҳам илҳомлантирувчи ва мен бу ерда эканлигимдан мамнунман.

Менинг фикримча, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг халқаро инвестиция марказига айланиши учун барча имкониятларга эга. Бу роль нафақат мумкин, балки айни вақтда жуда ҳам долзарб ҳисобланади. Гарчи минтақавий интеграция аста-секинлик билан юз берса-да, у бу жараёнда муҳим роль ўйнаши мумкин. Бу нафақат Ўзбекистонга, балки бутун минтақага тегишли. Аммо айнан Ўзбекистон инвестициялар ва барқарор ривожланиш марказига айланиши учун зарур салоҳият ва геоиқтисодий устунликларга эга.

Инвестиция муҳити борасида шуни айтмоқчиманки, бу менинг Ўзбекистонга биринчи ташрифим ва мен фақат ижобий таассуротлар олдим.

**Чжан Хэ, Хитойнинг “CGTN” глобал телевизион тармоғининг ижрочи продюсери:**

— Ишончим комилки, IV Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистондаги сармоявий муҳитни янада яхшилаш, мамлакат иқтисодиётига глобал сармоя оқимини жалб этишда муҳим босқич бўлади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда солиқ тизимини соддалаштириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, ташқи савдо режимини либераллаштириш каби йўналишларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар инвесторлар учун янада қулай шарт-шароит яратди. Бу жараён хорижий сармоядорлар ишончини барқарор давом эттириш ва мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни баҳолаш платформаси бўлмиш IV Тошкент халқаро инвестиция форуми янги ҳамкорлар, лойиҳалар ва стратегик йўналишларга салмоқли туртки бериши шубҳасиз.

**Эмин Гарибли, Озарбайжон давлат иқтисодиёт университети доценти:**

— Тошкент халқаро инвестиция форуми нафақат Марказий Осиё учун асосий иқтисодий платформа, балки Европа ва Осиё ўртасидаги интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг муҳим воситасига айланиб бормоқда.

Форум Тошкентнинг инвестицияларни жалб этишнинг минтақавий маркази мақомини мустаҳкамлайди ва мамлакатимизнинг Янги Ўзбекистон стратегияси доирасидаги ислоҳотларни илгари суриш қатъиятини намойиш этади.



Форумга Европа давлатларининг юқори мартабали вакиллари, жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тошкентга ташриф буюрган Словакия Бош вазири Роберт Фицо ва Болгария Президенти Румен Радев иштирок этаётгани қўшимча аҳамият касб этмоқда. Ушбу ташрифлар нафақат Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги стратегик интилишларини таъкидлабгина қолмай, балки хавфсизлик, рақамли ҳамкорлик ва транспорт инфратузилмаси каби соҳаларда ҳам аниқ келишувлар имзоланишига хизмат қилади.

**“Дунё” АА.**

ОБОДЛИК

## Янги Тошкент шаҳригача метро қурилади

**Узунлиги 21 километр, 9 та бекатдан иборат бўлиши кутилаётган бу метро кунига 230 минггача йўловчини ташийди.**

**Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 16 июнь куни Тошкент шаҳрида режалаштирилган қурилиш ва жамоат транспорти лойиҳалари тақдимоти билан танишди.**

13 май куни шу масала бўйича ўтказилган йиғилишда давлат раҳбари қурилишда сифат ва хавфсизлик биринчи ўринда эканини таъкидлаб, бу йўналишларни илмий ривожлантириш, соҳага замонавий ёндашувларни жорий этиш бўйича кўрсатмалар берганди.

Тақдимотда шу борада бажарилган ишлар ҳақида ахборот берилди. Топшириққа биноан, янги лойиҳалаштирилаётган кўп қаватли биноларнинг хавфсизлик талабларига мослиги қайта ўрганиб чиқилган. “ЎзГАШКЛИТИ”, Фанлар академияси Сейсмология институти, фавқулодда вазиятлар бошқармаси, санитария-эпидемиология каби 10 га яқин ташкилотнинг илмий-техник хулосалари олинган. Таъкидланишича, янги талабга кўра, кўп қаватли биноларнинг зилзилага бардошлилиги 9 баллдан кам бўлмайди.

2-б.

ҚИЁФА

# РАҲИМ РАЖАБОВ КИМ ЭДИ?

**ёки ўзига берилган уйни муҳтож оилага совға қилган ҳалол ва камтарин раҳбар ҳақида хотира**




**Бу ўткинчи дунёда ўз халқ дуосини олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.**

**Шундай инсонлар бўлганки, йиллар ўтса ҳам улар ҳақида яхши одам деган сўзлар айтилади. Бутун умрини ўз халқининг бугуни ва эртаси учун тиккан фидойи, мард, садоқатли дўст, ҳалол яшаб ўтган киши шундай эсланади.**

**Журналист-тарихчи Саъдулла Ғайбуллаевнинг “Раҳим Ражабовнинг мазмунли умри” номли китобини ўқигач, “Мазмунли умр ҳақидаги мазмунли китоб” бўлибди деган хулосага келдим.**

Раҳим Ражабов ким бўлган? У Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Галабек деган қишлоқда 1937 йилнинг 29 апрелида дунёга келган. Ўша қишлоқ боласи вақти келиб, мамлакат машинасозлик ва электроника саноатининг етакчи намояндаларидан бири бўлди. Ўзбекистон Президентининг Давлат котиби, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари бўлиб ишлади. Амаллар ўткинчи. Раҳим Ражабов ўткинчи амалларда ишлаб қандай из қолдирди? Китобни варақласангиз, саволга жавоб оласиз.

Машҳур спортчилардан бири: “Бу ёруғ дунёдан ўтганимдан сўнг, одамлар мени таниқли футболчи сифатида эмас, ҳақиқий инсон сифатида эсласинлар”, деб ният қилган экан. Раҳим аканинг ҳам нияти шундай бўлгандир.

Раҳим Ражабов билан бир неча марта учрашганман. Қўшни Тожикистонда табиий офат юз берганда, мамлакатимиздан ёрдам юкларини жўнатиш муносабати билан Вазирлар Маҳкамасида йиғилиш бўлди. Интервью олиш учун давлат котибига юзландим. “Бўпти, укажон”, деб алоҳида хонага бошлади ва интервьюни олиб, қадрдонимдай хайрлашдим. Самимий муносабат сабабчи бўлиб қаерда Раҳим Ражабов ҳақида гап кетса, “бунчалар камтар раҳбар”, деб юрадиган бўлдим.

Бир куни поликлиникада шифокор қабулида Раҳим ака ҳам навбат кутиб ўтирган экан. Саломлашиб, дастлабки учрашувимизни эслатдим.

8-б.

# МАРД ҚЎШИННИНГ БЕШ ФАЗИЛАТИ



**Буюк саркарданинг “Темур тузуклари”да бир фикр қатъий айтилган: “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхширокдир”.**

2-б.

ПУБЛИЦИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

# БЕКОБОДНИНГ ЁРУҒ ТОНГЛАРИ

**Туманда “Инсон қадрини улуғлаш – энг асосий устувор вазифа” тамойилига жиддий эътибор қаратилмоқда.**

Фақатгина халқимизнинг азму шижоати ва қудрати, букилмас иродаси ва қатъияти, энг муҳими, мустақил тараққиётга бўлган мустаҳкам ишончи буюк мақсадларимизга эришишнинг бирдан-бир кафолатидир.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

**Дарҳақиқат, қатъият билан ҳалол-пок меҳнат қилган одамлар кўзлаган мақсадларига эришадилар. Ҳалол одам серҳосил боққа ўхшайди. Ундан ажиб бир тоза ҳаво уфуриб туради. Ҳалол одам баланд тоққа ўхшайди. Унга кимдир тош отса, тоши думалаб ўзига, оёғининг тагига тушади. Ҳалол одамга интилганлар, эргашганлар ниятига етади. Чунки ҳалол одам тўғри бўлади, яъни оқни оқ, қорани қора деб айта олади. Ҳалолликда гап кўп! Негаки, ҳалол ва тўғрилик билан иш юритилса, барака ўз-ўзидан келаверади.**

**Биз яқинда Бекободда бўлиб ана шундай ҳалол, меҳнаткаш ва самимий одамлар билан ҳамсуҳбат бўлдик.**

Бекободнинг ҳавоси ўзгача. Унинг бағрида қишин-ёзин ҳузурбахш шамол эсиб туради. Бекобод янгиланаётган туман. Шунингдек, ғишт заводи, кўплаб кичик ва ўрта корхоналар бор. Туман ҳудудида Фарҳод ГЭС, Сирдарё ГРЭС, “Далварзин” пахта тозалаш заводи жойлашган. Бекобод туманида пахтачилик етакчи ўринда туради. Бекободликлар боғдорчилик, пиллачилик, полиз ва сабзавотчилик билан шуғулланади. Туман 37,9 минг гектар суғориладиган ерга эгалиги унинг жаннат жой эканлигини кўрсатиб турибди.

Шу кунларда туманда бошланган жадал ислоҳотлар самаралари билан танишиш мақсадида мактаблар, маҳаллалар, шифохоналар, фермер хўжаликлари, тадбиркорлар, ишбилармонлар билан учрашдик.

“Ҳокимият мутасаддилари билан бирга биз бекободлик нуронийлар туманнинг бугунги аҳволи ва тезликда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларини ўргандик. Айрим ҳолатларга кўникиб кетганимиз учунми, бизга мукаммал кўринган тизим ва ташкилотлар, маҳаллалардаги камчиликларни Республика ишчи гуруҳи кўрсатиб, бартараф этиш йўлини ҳам ўргатишди. Айниқса, таълим ва тиббиётда нимаики талабга жавоб бермаса, тезлик билан қонуний ечим топилаётгани биз нуронийларнинг халқ олдида юзимизни ёруғ қилди, — деди “Нуроний” жамғармаси Бекобод туман бўлими раиси Жалолхўжа Бўрихўжаев. — Туман раҳбариятининг фидойилиги билан биз нуронийлар бир умр орзу қилган “Нуронийлар маскани”нинг уч қаватли биноси лойиҳаси тасдиқланди. Ниҳоят, ўз идораси, йиғилишлар зали, шинам ҳовлиси, кутубхонаси, кексаларбоп спорт турларидан шахмат, шашка баҳслари ўтадиган мўъжаз зали, узоқ-яқиндан келган фахрийларимиз бир пиёла чой устида суҳбатлашиши учун ошхонаси бўлган бино қуриб фойдаланишга топшириш учун тасдиқланди. Энг диққатга сазовор жойи, биз билан бу бинога Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги “Оила ва гендер” илмий тадқиқот институтининг туман бўлими ҳам жойлашадиган бўлди. Бекободимиздаги 51 та маҳаллада жами 19 минг 700 нафар нуроний яшайди. Маҳаллалардаги нуронийлар кенгаши аъзолари бир вақтнинг ўзида яраштирув комиссияларининг ҳам аъзолари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 ноябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишга фаол нуронийларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 405-сонли қарори бўйича маҳаллалардаги уч нафар фаол нуронийга беш нафар камбағал оилани бириктириш орқали уларни камбағалликдан чиқаришда “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорлигимиз самарасини бера бошлади”, — деди миннатдор бўлиб туман нуронийларининг раҳбари.

Очиқлик ва ошкоралик шаффофликни келтириб чиқаради. Ўзига ишонган раҳбар ошкораликдан қўрқмайди. Зеро, бу борада Юртбошимиз шундай дейди: “Сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ишларимизнинг таъсирчанлигини янада оширамиз.

Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга ошираётган ислоҳотларимиз қатори жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгиланиш жараёнлари энди ҳеч қачон ортга қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз”.

“Янги туман раҳбари фаоллар билан ўтган илк йиғилишдаёқ туман газетасининг аҳволини сўради. Уч йилдан буён йиғилишларда газета ҳақида оғиз ҳам очилмас эди, рости, қулоқларимга ишонмадим. Иккиланиб ўрнимдан туриб, “Бекобод овози” номи билан чиқадиган газетамиз маблағ йўқлиги учун фаолиятини тўхтатганини, таҳририят ходимлари, қалами ўткир, тажрибали журналистлар ишсиз қолганини айтдим, — деди бекободлик таниқли журналист, “Янги Бекобод” газетасининг бош муҳаррири Сарвиноз Шералиева. — Бир кун ҳам кечиктирмасдан биз журналистларни алоҳида йиғишди. Янгича руҳ билан янги газетани чоп этиш лозимлиги айтилиб, газетанинг янги номига таклифлар беришимизни сўрашди. Бир неча таклифлардан сўнг, “Янги Бекобод” деган янги ном берилди. Газетанинг янги номи ва фаолияти Халқ депутатлари Бекобод туман Кенгашига қўйилиб, кенгаш қарорига кўра “Янги Бекобод” номи билан ҳужжатлаштирилди. Таҳририятга туман ҳокимлиги биносидан жой ажратилиб, барча техник жиҳозлар билан таъминланди. Газетамиз чоп этила бошлади. Журналист ижодкорлар иш билан таъминланди. Шу тариқа йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган газетамиз тикланди. Туманимизда янги кутубхоналар ва электрон китоб марказлари ташкил этилди. Яна туманимизнинг тажрибали ижод аҳли, адабиёт, шеърият ихлосманди бўлган ёшлари, ошкоралик ва тезкорлик тарафдори бўлган ижодкорлар таҳририятимиз қошида бирлашди. Энди ишсиз юрган пайтларимизни эслайман. Биз журналистлар ҳақ гапни гапирмасак, ким гапиради? Биз виждон билан иш кўрувчи, қаламга суянган халқмиз. Бошқа ишни қилишимиз мумкин, аммо кўнгилсиз бўлиб, иккиланиб босилган қадам унмайди. Қолаверса, газетадан бошқа жойда журналистга иш йўқ. Вилоят маркази ва пойтахт анча олис. Яхшиям бахтимизга замон билан нафас олувчи, тафаккури кенг, шаффофликка, ошкораликка кенг йўл очувчи ҳоким келди. Бу ҳам бўлса, туманнинг бахтидир”.

Машҳур файласуфлардан бири келажакка умиди бор инсонга, раҳбарга зарур бўлган бир ҳикматни баён этади: “Дунёга ақл кўзи билан боққан одамга дунё ҳам оқилона кўз билан қарайди”. Дарҳақиқат, оламни билиш учун кўпроқ ўқиш, ўрганиш, ҳаётнинг аччиқ-чучук неъматларини фарқлай билиш, бирон-бир воқеа-ҳодисани, топширилган ишни охиригача етмасдан мулоҳаза қилмаслик, бирон-бир ходимни ноҳақ айбламаслик, қилган хато-камчилигини холисона баҳолаб, шунга яраша адолатли ҳукм чиқариш зарур. Инчунин, файласуф айтганидек, келажакка умиди бор инсон дунёга ақл кўзи билан боқади. Унга бу борада китоблар, газеталар, аждодлардан қолган ҳикматли битиклар ёрдамга келади.

Бекобод. Не-не ривоятлару афсоналар бордир бу гўша ҳақида. Саховатингу тароватингни, меҳмоннавозлигингу фидойилигингни мадҳ этдилар. Бағринг хазиналарга кон, соя-салқин боғларинг оромижон! Меҳнатинг-ла оламга довруқ солган маконсан. Пахтаю пилланг, тиллаларга баробар тупроғинг бор. Яйловларинг тўлдирган отлар-уюрлар кишнашидан, қўй-қўзилар, нортуяларнинг ёқимли овозидан бўтакўзлар гуллайди.

Бекобод. Инсонлари саховатли, савдогари сахий юрт бу! Борига барака деган, барака инсофда, деган эл бу! Топганига қаноат қилган, берганига шукур қилган эл бу! Сен фидойилар юртисан, заҳматкашу меҳнаткашлар диёрисанки, бошинг баланд, кўксинг тоғ. Ва сенга ярашади ғурур — ифтихор. Қобилу фозил фарзандларинг юртнинг юзи, табаррукдир босган ҳар изи! Ана шундан улар боис бу юртга кириб келди тоза ҳаволар. Янги тонглар отди фирдавсмонанд бағрингда. Истеъдодли фарзанди аржумандларинг, бағрингни ёритган гавҳари шамчироқларинг.

Бекобод. Ҳақиқатан ҳам мўъжизакор гўша. Бир ён юрсанг димоғингга олмалар, бир ён юрсанг бол аралаш зардолилар бўйи урилади. Дашту қир томон юрсанг, ғаллаю нон ҳидидан энтикасан.

Бекобод. Янги Ўзбекистоннинг Тожикистон билан чегарадош ёруғ маскани. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг бир-бирига чўзилган дўстона қўллари неча йиллар ёпиб ташланган темир тўсиқларни олиб ташлади.

2022 йилга келиб, Ўзбекистон — Тожикистон чегарасидаги “Бекобод” назорат-ўтказиш пункти ўз фаолиятини янгидан бошлади. Мазкур пункт орқали ҳар иккала мамлакатнинг божхоналари аро тегишли тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришда манфаатдорликка хизмат қилади. Ушбу пункт Ўзбекистоннинг Тошкент вилояти Бекобод тумани, Тожикистоннинг Сўғд вилояти Спитамен туманлари чегарасида жойлашган. Ўзбекистон — Тожикистон ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг ривожида логистиканинг аҳамияти беқиёс.

Нетонгки, не замонлар олдин Амур Темур авлодлари ўтган бу заминдан. Шоҳ ва саркарда Бобурнинг “Бобурнома” асарининг икки жойида Бекободнинг “Хос” қишлоғи ҳақида маълумот келтирилади. Демак, не-не пирлар, улуғ зотлар тавоф қилган бу манзилларни. Ҳа, тўзғиган тўфонларни бошдан кечирган бу замин. Унинг ёнидан қўнғироқларини чалиб ўтган туя карвонларининг акс садоси-да узоқлаб кетган эди.

Мустақилликкача бўлган йилларда бу йўлларнинг буюк йўллар экани унутилди. Йўллар сўқмоқларга айланиб, сўқмоқлар эса қумлар остида йўқликка юз тутаётган эди. Ниҳоят, муҳтарам Юртбошимиз тимсолида Темурий журъат, Улуғбекона талъат ишга тушди.

Ўзбекистон етакчисининг сиёсий иродаси билан қардошлар томонга дарвозаларимиз очилди. Бу қадам Марказий Осиё мамлакатлари бирлашиб, ягона кучга айланишига, бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатишига асос солди.

Буюк ишларни буюк шахслар амалга оширади. Ҳар иккала юрт йўлбошчиларининг узоқни кўзлаб олиб бораётган ташқи сиёсати самарасида мамлакатларимиз ўртасида кўп қиррали ҳамкорлик ва ўзаро дўстона алоқалар янада юқори поғонага чиқиб, стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Хусусан, Бекободдаги назорат пунктида ҳар куни катта-катта юк машиналари турнақатор бўлиб қардошлар томон ўтаётганини ҳам кўриш мумкин.

* * *

Шамол ҳам одамларнинг кайфиятига қараб эсади, шекилли. Бир замонлар оч бўридек увиллаган Бекобод шамоли ҳозирда пешоналарни меҳр билан силаб, тўрт томонга хайру барака ифорини ташийди.

Барча тизимларда янгича қарашлар, интилишлар кечаётган бу гўшада мунаввар тонгларнинг файзи ўзгача. Энг асосийси, Бекободда бугунги Янги Ўзбекистон ислоҳотлари асосида “Инсон қадрини улуғлаш” устувор вазифа қилиб белгиланган.

— Шу кунларда Бекобод тумани қайси спорт туридан олдинда-ю, қайси спорт турида депсинишлар юз беряпти, чуқур таҳлил қилинди. Энг аввал жисмоний тарбия ўқитувчилари, спорт мураббийлари фикрлари тингланди. Улар берган маълумотлар орқали туман спортига умумий баҳо берилди. Аниқ йўл хариталари белгиланиб, жаҳон ва олимпиада беллашувларига ёш спортчиларни тайёрлаш селекциясига кечиктириб бўлмас топшириқлар берилди, — деди узоқ йиллар ўқувчиларга жисмоний тарбиядан дарс берган спорт мураббийси Эсонмурод Қурбонов биз билан суҳбатда.

Ўшанда турғунлик йиллари эди. Ангрен педагогика билим юртининг жисмоний тарбия бўлимини битириб келган Эсонмурод Қурбонов Бекобод спортчилари шон-шуҳратини дунёга таратмоқни юрагига тугиб қўйган эди. Тумандаги 34-умумтаълим мактабига дарсга келган биринчи кунидаёқ учиб юрган еттинчи осмонидан тап этиб пастга тушди.

— Мен иш фаолиятимнинг биринчи куниёқ сездимки, ўша йиллари жисмоний тарбия дарсига жиддий дарс деб қаралмас экан, — деди у.

Иссиқ кунлари болалар спорт майдони деб янтоқлар ўраб олган тап-тақир ер кўрсатилди. Бу ерда ўғил болаларни айлантириб югуртирди, холос. Бошқа машғулотларни ўтказишга ер қаттиқ, йиқилган бола оғир шикастланиб, бир умрга ногирон бўлиб қолиши ҳеч гап эмас эди. Спорт кийими йўқлиги-ку, майли, қиз болалар умуман жисмоний тарбия дарсига қатнашмас экан. Бу дарсларда қизлар уйларидан олиб келган каштаaларни парта устига қўйиб тикиб ўтираркан. Эсонмурод эса қиз болаларни ҳам дарсга жалб этди. Ўғилу қиз ўқувчиларни дарс дастурида кўрсатгандек спорт майдонига олиб чиққан Эсонмурод аканинг дарсини томоша қилиш учун бутун қишлоқ йиғилиб келарди. Ҳамма унинг дарсини, синфлараро мусобақаларини ҳаяжон билан кузатадиган бўлди.

Аммо совуқ тушиши билан болаларда тайинли спорт кийими йўқлиги, спорт зал у ёқда турсин, синф хоналари яхши иситилмагани сабаб жисмоний тарбия дарси ўрнига, пахта йиғим-терими сабаб қолиб кетган дарслар ўтилар эди. Бу эса ёш, истеъдодли ўқитувчининг нафсониятига тегиб кетди. У жисмоний тарбия дарси учун қандай спорт анжомлари бўлиши кераклигини, бу қандай мақсад туфайли амалга оширилишини ёзиб, бир папкага солиб, бормаган идораси-ю, ташкилоти қолмади. У ҳар бир раҳбарга кириб мақсадини соатлаб тушунтирарди. Кўп жойдан боши эгик чиқарди. У барибир чекинмади.

Наҳотки умумтаълим мактабларидаги спорт залларига керакли анжомларни олиб бериш шунча қийин бўлса? Бу кетишда Бекобод ёшларининг спортга қизиқиши сўниб кетади-ку. Наҳот улар орасидан чемпионлар чиқмайди?

Йўқ! Албатта чиқади. Аммо ўша замон зайли унинг орзуларига тўсқинлик қиларди. Баҳор келиши билан ўқувчилар ғўза қатор ораларини чопиқ қилишга, пиллага кўмаклашишга жалб этиларди. Имтиҳонларни топширган болалар эса дала ишларига ёрдамлашиш, пичан йиғишга олиб кетиларди. Куз бошланиши билан пахта яккаҳокимлиги инсон устидан ҳукмронлик қиларди.

Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудларидагидек “Ўзбекистонда ҳамма пахтакор”, “Барчанинг ўрни пахта даласида” каби шиорларни Бекободнинг ҳам энг кўзга ташланадиган жойларига илиб қўйишар эди. Пахта йиғим-терими тугагунча жисмоний тарбия ўқитувчиси Эсонмурод Қурбоновнинг ўргатганлари болаларнинг ёдидан чиқиб кетар, йиғим-терим тугагач, ҳаммасини бошқатдан бошлашга тўғри келарди. У, ҳеч бўлмаса, спортга қобилиятли болаларни пахтага юбормай, ҳар куни машғулотларда қатнаштиришни сўраб раҳбариятга мурожаат қилди. Унга қуйидагича жавоб қилишди: “Ўрток Қурбонов, сиз спортни пахтадек шараф-шонимиздан устун қўйиб, халқ душманига айланиб қолманг. Бугун ўнта ўқувчини, эртага йигирмата, индин ўттизта, элликта, юзта ўқувчини қобилиятли деб даладан қайтарсангиз, бора-бора бутун мактаб пахтага чиқмасин, дейсиз. Ахир пахтани ўқувчи ёшлар термаса, ким терaди?” Афсус ва надоматлар бўлсинки, ўша замона зайли билан яшаган бирорта раҳбар жисмоний тарбия ўқитувчисининг мақсадларида ётган ёрқин келажакни кўра олмади.

Минг шукрки, Эсонмурод Қурбоновга инсон қадри улуғланиб, спорт мураббийларининг меҳнати шарафланадиган кунларни кўриш насиб этди.

Бугунги кунда Эсонмурод домланинг ўқувчиларидан Одина Нарзуллаева, Афруза Тенглашовалар туман, вилоят шахмат беллашувларида ғолиб бўлиб, республикага йўл олишди. Яна бир шогирди Нурхон Қувонова стол тенниси бўйича кетма-кет вилоят ғолиби бўлиб, республика беллашувида қатнашадиган бўлди. Шогирдлари Отабек Абдуллаев, Ҳусан Юсупов, Шероз Қаҳрамонов, Жавоҳир Тагаев, Олима Ахтамовалар ҳам Бекободдаги спорт мактаби кашф этган истеъдодлардан. Улар ҳозирда шахмат бўйича йирик мусобақаларга тайёргарлик кўришмоқда.

Муҳтарам Юртбошимизнинг сиёсий жасорати билан мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларнинг дарсдан ташқари юмушлар, хусусан, қишлоқ хўжалик ишлари ва пахта ташвишларидан тўлиқ озод этилгани унинг фаолиятида ҳам катта бурилиш ясади.

Охирги икки ойда тумандаги 62 та мактабнинг спорт ва футбол майдонлари, спорт залларининг ҳолати пухта ўрганиб чиқилди. Зарур бўлган спорт анжомлари билан тўлиқ таъминлаш ташкиллаштирилмоқда. Бу эзгу ҳаракат давом этмоқда. Туман, вилоят, республика ва халқаро мусобақаларга тайёргарлик ва саралаш ишлари қатъий назоратга олинди. Тумандаги барча мактаб кутубхоналарига 100 донадан жаҳон ва ўзбек адабиётининг энг сара дурдона асарлари туҳфа қилинмоқда. Бу асарларни республиканинг кўзга кўринган таниқли шоир, журналист ва санъат намояндалари шахсан келиб, китобхонлик маданиятини тушунтирган ҳолда юксак ижодий муҳитда тақдим этишмоқда.

* * *

Бекобод тумани ҳокимлигидан амалий ёрдам олган фуқароларни суҳбатга тортдик.

“Шу кунга қадар тадбиркорлик қилиш учун кредит сўраб мурожаат қилмаган жойим қолмаган эди. Бу сафар ҳоким масалани бир мурожаатда ҳал қилди”, — деди Марғуба Аҳмедова.

Уста новвойлар авлодидан бўлган Марғуба Аҳмедова Бекобод тумани “Фарҳод” маҳалла фуқаролар йиғини “Боғбон” кўчасида истиқомат қилади. У тадбиркорликни кенгайтириш учун 100 миллион сўм кредит ажратишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Марғубахоннинг патирларига харидор кўп. Унга шогирд тушиш учун ҳар куни ёшлар мурожаат қилади. Аммо жой торлиги сабаб қўшимча ишчи кучи ололмайди. У патир нон ёпиб, ишчи сонини ошириш ва янги хамир қилиш ускунаси, тандирлар олиш мақсади борлигини айтди. Республика ишчи гуруҳи аъзоси Файзулла Ражабов, Бекобод тумани Халқ қабулхонаси мудири Улуғбек Болтаевлар тадбиркорнинг шароитини жойига чиқиб ўрганиб, “Халқ банки” томонидан 100 миллион сўм имтиёзли кредит ажратиб беришда кўмаклашдилар. Фуқаронинг розилиги олинди.

Туманнинг янги ҳокими Зайнилобиддин Низомиддинов қабулига келган Зафар шаҳарчаси, “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 1-уй, 4-хонадонда яшовчи, кўз касаллиги бўйича 1-гуруҳ ногирони Мухаматсоли Холиқбердиев “Мен қабулга кириб, ишим битмаса, қизим таълимдан четлаштирилса, нима қиламан, дея роса қайғуриб бордим. Йўлда қизимнинг тақдирини ўйлаб йиғладим. Минг шукр, илтимосим жойида қондирилди, қабулдан кулиб қайтдим”, деди. Қизи Наргиза Иброҳимова ибн Сино номидаги Бекобод Жамоат саломатлиги техникумида ўқиши учун контракт (йиллик 4 700 000 сўм) пулини тўлашда ёрдам берилди.

Шу йил 21 майда ўтган қабул чоғида “Янгибозор” МФЙ Навоий кўчаси 38-уйда яшовчи Нигора Усмонова, “Янги ҳаёт” МФЙ “Мустақиллик” кўчасида яшовчи Дилноз Нормаева, “Ёшлик” МФЙ Олчазор кўчаси 86-уйда яшовчи Хумора Бердиёрова, “Ёшлик” МФЙ 4-Боғ кўчасида яшовчи Мадина Бердибоева ҳамда “Қолғонсир” МФЙда яшовчи Ўғилой Тоғаевалар ўз-ўзини банд қилиш ва оилавий шароитини яхшилаш мақсадида тикув машинаси сўраб қилган мурожаатлари жойида қаноатлантирилди. Ўша куниёқ ушбу аёлларга тикув машинаси берилди.

Бир ишни бошлаш учун устоз, мураббий ва иш қуроли бўлиши керак. Афсуски, баъзи тикувчиликни орзу қилган хотин-қизларимизга устоз ҳам, тикув машинаси ҳам топилмайди. Натижада орзулар орзулигича қолаверган. Тикув машинасида иш бошлаган хотин-қизнинг оиласи ҳеч қачон даромадсиз қолмайди. Шунинг учун туман ҳокимлиги иш қуроли сўраган мурожаатчиларни дастлаб ўқув марказида текинга ўқитиб, кейин тикув машиналари билан таъминламоқда.

Бекобод — барака ўчоғи. Бунда ишсиз, бекорчи, дангаса, берсанг ейман, урсанг ўламан, деб боқимандалик руҳида яшовчи бўлмаслиги керак. “Бекорчидан Худо безор” деб бежиз айтишмаган-да. Жамики салбий нарсалар, ишлар ҳам бекорчиликдан келиб чиқади. Иши бор, машғулоти бор одамнинг бетайин ишларга вақти ҳам, хоҳиши ҳам бўлмайди.

“Мен 83 ёшдаман, ҳақиқатни айтишга қўрқмайдиган нафақадаги шифокорман. Бекобод тиббиёт тизимида 40 йилга яқин ишлаган бўлсам, марказий шифохонасида 20 йилдан ортиқ бош шифокор бўлганман. Ҳокимимиз З.Низомиддинов биринчи навбатда оғир жарроҳлик йўли билан қилинадиган, катта маблағ талаб этадиган касалликларни даволатиш учун кам таъминланган беморларга республикамиздаги энг ихтисослашган шифохоналарга боришга ёрдам берди. У кишининг ташаббуси билан туман поликлиникаси ичида болалар поликлиникаси қурилиши бошлаб юборилди. Туман раҳбаримизнинг қурувчилар билан бирга тунука чойнакдан чой ичиб кетавериши, деҳқонлар билан Бекободнинг чанг шамолида қотган нону айрон билан тушлик қилиб, суҳбатлашиб завқланиши ёқди. Мен бундан таъсирландим ва фахрландим.

Туманимиздаги эл ҳурматида бўлган врачлар: Файзулла Мирзакаримов, Мавжуда Абдуллаева, Шоира Охунова, Раҳматилла Умрзоқов, Дилрабо Содиқоваларнинг устози эканимдан фахрланаман. Бир замонлар менинг шогирдларимни ҳам Ўзбекистонда маош кам деб, хорижга ишга чақирганлар бўлди. Улар бўлса ўзига илм берган, тиббиётнинг шарафли йўлига йўллаган устозларига, нон-туз берган элига вафосизлик қилмади. Мана, халқ эъзозида, замонавий шифохоналарда фаолиятини садоқат билан давом эттирмоқдалар”, деди фахрий шифокор Эркин Қодиров.

Бекободнинг умумтаълим мактабларида ёшларга ватанпарварлик, фидойилик, халқпарварликдан дарс бераётган қанчадан-қанча педагоглар, ўқувчисини ўз боласидек яхши кўрадиган устозлар, шогирдининг ютуқларидан меҳрибон отадек ғурурга тўладиган мураббийлар борлигини кўриб келдик. Оловқалб ёшларни тўғри йўлга йўллаётган, вужудида кимнинг қутлуғ қони борлигини англатиб турган олийжаноб устозлар борлигини кўриб қувондик.

Улар ҳақида ҳали батафсил ҳикоя қилиш ниятидамиз. Улардан сўз қарздормиз, яхши шеър қарздормиз. Шу ерда уларнинг ота-боболари от суриб ўтган, момоларининг гавҳар сочлари тўкилган. Она Ватанга оташин муҳаббат, қайноқ шижоат, жасурлик ва ғайратдан ғалаба туғилади. Унда-бунда ўзини кўрсатиб қўйиш эмас, балки бор куч-қудратини сафарбар этиш, керак бўлса, тоғни ҳам силтаб ўрнидан қўзғатадиган қатъият, сезгирлик, қарздорлик ҳисси бор бу эл фарзандларида. Зеро, ҳар қандай юртни обод қилиш унинг уйғоқ беклари зиммасидадир.

**Зулфия МЎМИНОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира.**






ЭРКИН ФИКР

# ЯНА ТАРБИЯЧИ АЙБДОРМИ?

**Яқин қариндошим Олмалиқдаги давлат мактабгача таълим муассасасида тарбиячи ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Ўз касбини севгани, болаларни яхши кўргани учун ишини ташлаб кета олмайди. Мени бир савол жуда ҳам қийнайди. Унинг олаётган маоши шундай касбини севиб ишлаши учун арзигуликми? Бугун 1,5 миллион сўм иш ҳақи рўзғор тебратиш учун етарлими? Ёки икки-уч ойда бир марта бериладиган 250 минг сўм атрофидаги рағбат пулига ҳозир икки кило сифатли гўшт ҳам келмайди-ку!**

Ижтимоий тармоқларда ҳозирда жуда кўп боғча опалар болаларни уришган, эътиборсиз қолдирган лавҳалар тарқалиб туради. Баъзи болалар шундай шўх бўладики, ҳатто улар ўз ота-онасининг гапига ҳам кирмайди. Боғчада эса уларга тўғри йўналиш бериб, оддий танбеҳ бериб қўйса ҳам, ота-оналар келиб тарбиячининг устидан шикоят қилишади.

Тўғри, айрим боғчаларда болаларни уриб, бақириб "тарбия" бермоқчи бўлаётган ўз касбига нолойиқ тарбиячилар ҳам йўқ эмас. Аммо беш қўл баробар эмас-ку. Юзлаб, минглаб болажон опаларнинг бари бунинг учун "айбдор" бўлиб қолиши керак эмас.

Аввало, боғчага бола нима учун келади? Ота-онаси ишларини битириб келишини кутиб ўтириш учун мўлжалланганми боғча уларнинг назарида? Боласини олиб кетгани келган ота ёки онани кўрганда бола, албатта, боғчага ўргангунича йиғлайди, хархаша қилади. Уйдагиларни соғинади. Йиғлаб чиққанда уларга берадиган биринчи саволи: "Нима бўлди, болам, боғча опанг урдими сени?" Бу нарсани эшитган тарбиячилар қандай хижолат бўлишини тасаввур қилиб кўринг-а! Тарбиячилар, уларнинг ёрдамчилари болаларнинг тагини тозалайди, қўлидан ушлаб овқатлантиради. Биринчи қаламни ҳам улар тутқазади. Бола яна кейинги кун боғчага боради ва яна шундай аҳвол такрор рўй беради. "Кеча йиғлаганимда онам эркалатди", деб яна йиғлайди! Яна тарбиячи айбдорми?

Шундай ота-оналар ҳам бор: "Боғча опангни қара, болам, сенга шундай нарса чизишни ўргатибди?" дейдиган. Тарбиячиларни болаларига меҳрибон қилиб таърифлайди. Бундай тарбия болани боғчага тез кўниктиради. Эртасига хурсанд бўлиб, боғчага ўз ихтиёри билан келишига ёрдам бўлади.

Мактабгача таълим муассасасидаги ишчиларга эътибор кам бўлишига қарамай, улар болаларда ўсиш ва ривожланишда, ҳаттоки тилларни ўргатишда ўз ҳиссасини қўшиб келадилар. Тарбиячилар кўпроқ эътибор ва тақдирлашларни ҳис қилсалар, ишларига бўлган муҳаббати ортади, болаларга ҳам яхшироқ хизмат қилади.

Мактабгача таълим муассасаларида иш шароитини яхшилаш, малакасини ошириш ва қўллаб-қувватлаш алоҳида аҳамиятга эга. Фақатгина бундай ёндашув билан биз болаларга ҳар томонлама ривожланиш имкониятини тақдим этган бўламиз. Тарбиячиларга эътибор болалар келажаги учун сармоядир, деб ҳисоблайман. Сизнинг фикрингиз қандай?



**Нилуфар БАХТИЁРОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети 2-босқич талабаси.**

КЕЧИНМА

# УРУШ БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИНИ ЎҒИРЛАЙДИ

**"Hurriyat" газетасида журналист Гавҳар Дилмуродованинг "Болалар — жаннат райҳонларидир" (2025 йил 4 июнь, 22-сон) номли мақоласини ўқиб ҳайратландим. Унда қардош турк халқининг қанчалик болажон экани чиройли тасвирланган. Бу мақолани ўқир эканман, дунёнинг бир томонида болаларнинг кўзлари бахтдан порлаётган бўлса, яна бир юртда бу кўзлар қўрқувдан ёшга тўлган. Беғубор болалик гаштини суриб юрганлар қайда-ю, вайроналар ва бомбалар остида қолиб жон бераётган болалар қайда?!**

Интернет тармоқларида тарқалган бир сурат эътиборимни тортди. Расмда болакай қўл-оёқлари кесиб ташланган бўлса-да, юзида илиқ табассум билан боқар эди. Энди унинг бахтли болалиги бўлмаса-да, тақдиридан розилиги кўзларидан акс этганди. Биласизми, ногирон боланинг юзидаги табассумни кўриб, менинг кўзларим ёшланди. Ҳозирги айрим болалар кичик эҳтиёжларини бажармаётгани учун ота-онасига хархаша қилаётган бир пайтда, бу болажон муштдек юрагига катта дардни кулиб сиғдира олибди. Энди ўйлаб кўринг, уруш, қирғин бўлаётган давлатларда бундай болалардан қанча? Ўн минглаб болалар бомбалар остида қолиб, ҳалок бўлмоқда ёки умрбод ногиронга айланиб қолмоқда. Уларнинг ўрнига ўзингизни, болаларингизни қўйиб кўринг-а, бардош бера олармикансиз?

Шу воқеаларни кузатар эканман, режиссёр Шуҳрат Аббосовнинг "Сен етим эмассан" фильми ёдимга тушди. Яшаш қийин бўлган Иккинчи жаҳон уруши даврида Шомаҳмудовлар оиласи 14 нафар турли миллат болаларини ўз боласидек асраб боқишган, тарбия беришган. Бу орқали халқимиз нафақат болапарвар, балки бағрикенг ва меҳмондўст эканлигини кўришимиз мумкин.

Болалар тақдири ҳақида ўйлаб, уйга кириб бордим. Ҳовлида ўйнаб юрган иккита жиянимни бағримга босиб, ёноқларидан ўпдим! Юртимиз тинчлиги, болажонларимиз ўйнабкулиб, соғ-саломат ва бахтли яшаётганликлари учун шукроналик келтирдим.



**Рухшона ҚЎШБОҚОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети 2-босқич талабаси.**

ҚАДАМЖО

# ПУДИНА — АФСОНАВИЙ ҚИШЛОҚ



**Пудина —ажойиб ва ғаройиб жойлардан бири бўлиб, бу мўъжазгина қишлоқча Қашқадарёнинг Косон туманида жойлашган.**

**Тарихда Пудина номи машҳур бўлиб, ўз даврининг кучли илм марказларидан ҳисобланган. Бу қишлоқда жуда зийрак ва Ислом динининг тарғиботчиси бўлган Қусам исмли шайх аллома яшаб ўтган. Ул зотга аталган мақбара ҳам қурилган.**

**Пудинадаги тарихий зиёратгоҳ жой Қусам шайх ота қадамжосидир. Бу муборак жойга кўплаб сайёҳлар ташриф буюради.**

Ҳа, Қусам шайх ота — ибн Муҳаммад Қусамнинг ҳаёти ва фаолияти Пудина қишлоғи билан боғлиқ. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Қусам шайх Туркистонда Аҳмад Яссавий хонадонида (қиз томонидан эварасидир) туғилган бўлса-да, умрини Пудина ҳудудида ўтказган. У Аҳмад Яссавий ҳазратларининг неваралари — Гавҳар Шаҳнозбегимдан туғилган бўлиб, отаси бухоролик Ҳусайн шайх Атоий авлодларидан, яъни Хонзода Муҳаммад Хожадир.

Пудинанинг маданий марказлардан бўлишида Қусам шайхнинг хизматлари беқиёс. Пудина мактабида Саййид Амир Кулол, Шамсиддин Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа алломалар таълим олган.

Қусам шайх ҳазратлари ҳақида улуғ шоир Абдураҳмон Жомий ўзининг "Нафаҳот-ул-унс" асарида: "Муҳаммад Қусам Атоий туркий шайх бўлиб, Аҳмад Яссавий авлодидандур, Баҳоуддин Нақшбанднинг устозидир", — дея қайд этган.

Мутафаккир шоир Алишер Навоий эса ўзининг "Насойим ул-муҳаббат" асарида уни "Шайхлар шайхи" деб эътироф қилган.

Қусам шайх ислом илми билимдони бўлиб, номи етти иқлимга ёйилган.

Қусам шайх меъморий ёдгорлигидаги энг қадимги мақбаралар XI-XIII асрларда барпо этилгани аниқланган.

Қусам ота мажмуаси безатилиши нуқтаи назаридан Шоҳи Зиндадаги Али Насафий амалий нақшинкорлигига яқинлиги билан ажралиб туради. Бу ёдгорлик Марказий Осиё меъморчилигининг энг қадимий ва ноёб намуналаридан биридир. Таъкидлаш лозимки, Қусам шайх мажмуаси услуби XIV асрга хос бўлиб, Темурийлар меъморчилик услубини намоён этади.

Илм ва маърифат нури таралиб турган бу тарихий ва улуғвор гўшада туғилишнинг ўзи мен учун ҳам катта бахтдир. Пудина ана шундай гўзал тарихи, ғаройиб ёдгорликлари ва меҳрибон, оқ кўнгил инсонлари билан жуда файзли маскандир.



**Жасмина БАХТИЁРОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети 2-босқич талабаси.**

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

# ЖУРНАЛИСТЛАР САЛОҲИЯТИ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРДА

**Андижон шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги кутубхона марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан "Замонавий журналистикани ривожлантириш маркази" нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида семинар-тренинг ўтказилди.**

"Журналистнинг рақамли даври: воситалар, суриштирувлар, манипуляциядан ҳимоя" мавзусида ташкил этилган мазкур икки кунлик тренингда журналист ва блогерларни соҳадаги замонавий ёндашувлар ва технологиялар билан таништириш, уларнинг малакасини оширишга эътибор қаратилди.

Семинар давомида иштирокчиларга сунъий интеллект ва машинали ўрганиш технологияларининг журналистикадаги ўрни, фото ва видеоматериалларни таҳлил қилиш, манипуляция турлари ва уларни аниқлаш, контент турлари ва ишлаш воситалари ҳақида кенг маълумот берилди. Шунингдек, муҳокама тарзида кечган тренинг доирасида иштирокчилар ўзаро тажриба алмашиб, амалиёт машғулотлари ва гуруҳли ишлар орқали ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг махсус сертификатига эга бўлишди.




— Ўтказилган икки кунлик тренинг давомида соҳадаги замонавий ёндашувлар ва технологиялар билан танишиш баробарида, янги медиа шакллари ҳамда платформалар, мультимедиа журналистикаси асослари, контент турлари ва ишлаш воситалари ҳақида кенг маълумотларга эга бўлдик. Биз бунда замонавий журналистикада асқатадиган платформалардан фойдаланишни ўргандик, — деди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Андижон вилояти бўлими мутахассиси, семинар иштирокчиси Зайнобиддин Қодиров.

# ЁШЛАР — КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими ҳамда Қорақалпоқ давлат университети ҳамкорлигида "Коррупция — ёшлар келажагига таҳдид солувчи иллат" мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди.**




Университетнинг ҳуқуқ факультетида ўтказилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги сектор бош маслаҳатчиси Б.Матжанова, Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратураси катта прокурори Р.Жалгасбаев, университетнинг Коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат бўлими бошлиғи К.Утениязов ва бошқалар сўзга чиқиб, коррупция бугунги кунда нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий ва маънавий муаммога айланганини таъкидладилар.

Муҳокама жараёнида талабаларга коррупция нима экани, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга салбий таъсири ва оқибатлари ҳақида атрофлича маълумот берилиб, бу иллатнинг олдини олишда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этиши бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Мулоҳаза ва мушоҳада тарзида кечган ушбу тадбирда талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

# ҲАРБИЙ ҚИСМДА КИТОБХОНЛИК ТАНЛОВИ

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ташаббуси билан вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси ҳузуридаги чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлари бўйича тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда аҳоли ва ёшлар ўртасида китобхонлик ва китоб мутолааси маданиятини тарғиб этиш мақсадида "Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Унда жамоатчилик кенгаши аъзолари, Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими мутахассиси, Марказ тингловчилари сўзга чиқишиб, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-ахлоқий тайёргарлигини оширишда маънавият ва маърифатнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидладилар.

— Ҳарбий хизматчилар ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда бундай тадбирлар эзгу мақсадларни қамраб олганлиги билан диққатга сазовордир, — деди Жамоатчилик кенгаши аъзоси Фурқат Жўраев. — "Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирнинг мақсади ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий салоҳиятини юксалтириш ҳамда китобхонлик маданиятини оширишдир. Марказда шоир ва адиблар, журналистлар билан давра суҳбатлари,



китобхонлик танловлари, китоб тақдимотлари мунтазам ўтказилиб келинади.

Шунингдек, Навоий шаҳридаги 20022-муддатли ҳарбий қисм аскарлари ўртасида ташкил этилиб келинаётган "Энг ёш китобхон" танлови ушбу маънавий-маърифий тадбирнинг узвий давоми бўлди.

Қизиқарли баҳсларга бой бўлган ҳарбий қисм аскарлари ўртасидаги китобхонлик мусобақасида уюшма аъзолари, Абдулла Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази мутахассислари ҳакамлик қилди.

Танлов натижаларига кўра, муддатли ҳарбий қисм аскари Ҳақберди Обидов ғолибликни қўлга киритиб, Республика босқичида иштирок этишга муваффақ бўлди.

# АБДУЛЛА ЖАББОР ЁДИ

**Элимиз ўз тарихини, ўз заминидан етишиб чиққан мард ва фидойи фарзандларини унутмайди, ҳамиша эслайди, эҳтиром кўрсатади.**



"Наманган ҳақиқати" газетаси таҳририятида тадқиқотчи-журналист, таниқли шоир, драматург ва таржимон, марҳум Абдулла Жаббор таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан замондошларининг хотиралари жамланган "Абдулла Жаббор ёди" китобининг тақдимот маросими ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Наманган вилояти бўлими раҳбари Носиржон Деҳқонов сўз олиб, Абдулла Жабборнинг адабиёт, тарих ва матбуот соҳаларига қўшган катта ҳиссасини эътироф этди.

Маросимда сўзга чиққан сиёсий фанлар доктори, профессор Турсунбой Файзуллаев ва бошқа таниқли журналист ва шоирлар, Абдулла Жабборнинг фарзандлари ва шогирдлари ёрқин хотиралари билан ўртоқлашдилар.

Дарҳақиқат, Абдулла Жаббор номи Наманган адабий муҳитида Исматулла Абдуллаев, Ҳабиб Саъдулла, Алихон Халилбеков, Одилжон Носиров, Нуриддин Бобохўжаев, Хайрулло Қосим, Аҳмад Турсун каби таниқли шоир ва адабиётшунослар билан бир сафда тилга олинади. У эл дардини ич-ичидан ҳис қилган, сўзга масъулият билан ёндашган, тарихга муҳаббат ва адолат мезони билан қараган инсон эди.

Унинг "Хиёнат", "Зўрдан зўр чиқса", "Наманган алласи", "Алпомишнинг ўқ-ёйи" "Кўрголи келдим" сингари саҳна асарлари ўз даврида катта қизиқиш ва муҳокамаларга сабаб бўлган. Бу асарларда жамиятдаги муаммолар, инсоний фазилатлар, ҳақиқат билан ёлғон кураши кучли драматик ечимлар орқали ифодаланади.

Қалбда из қолдирганлар юракда яшайди. Абдулла Жаббор ана шундай қалбларда тирик, руҳияти орқали биз билан бирга яшаётган ижодкордир.

# "ОВОЗИ САМАРҚАНД"НИНГ СЕВИМЛИ МУАЛЛИМИ

**Самарқанд шаҳрида "Овози Самарқанд" газетасининг 35 йиллиги муносабати билан тадбир ташкил этилди. Унда "таҳририят муаллими" дея эътироф этиладиган фахрий журналист Тошқул Азимов таваллудининг 75 йиллиги ҳамда ижодкор фаолиятига бағишлаб чоп этилган "Дийдор ҳикмати" ("Ҳикмати дийдор") китоби тақдимоти бўлиб ўтди.**

Тадбирда Тошқул Азимов ижодининг ўзига хос жиҳатлари ва ижодкор ҳақидаги янги китоб хусусида сўз юритилди.

— Тошқул аканинг ижоди билан ўттиз йилдан буён танишман, — деди вилоят "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев. — Бу ижодкор, аввало, куюнчак журналист. Ўткир мавзудаги мақолалари билан газетхонлар меҳрини қозонган. Ижодкор сифатида эса сўзнинг бетакрор қудратини юракдан ҳис қила олиши эътиборга лойиқ. Бу жиҳат у кишининг ҳар бир ҳикоя ва ҳажвияларида акс этган. Шунинг учун ҳикоялари ҳам, ҳажвиялари ҳам ўқувчини ўзига ром қилади.

Тадбирда "Овози Самарқанд" газетаси билан кўп йилдан буён ҳамкорлик қилиб келаётган бир гуруҳ ижодкорларга совғалар тақдим этилди.

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси**
**Ахборот хизмати.**

## УНУТИЛГАН ЖАДИДЛАР



# САФО МУҒАННИЙ

## *ёхуд синган сетор соҳиби*



**Ишхонамга чеҳрасидан нур ёғилиб турган кекса онахон бир қўлтиқ альбом ва китобларни қўлтиқлаб кириб келди. Жиккаккина кекса бу аёл ёшига нисбатан анча дадил ва мағрур оҳангда сўз бошлади:**

**— Мен ҳадемай 85 баҳорни қарши оламан. Кўзим очиқлигида кўпчилик эсламай қўйган фидойи бир Хоразм дилбанди ҳақида китоб чиқартирмоқчиман. Бу инсон ўзбек санъати ва маданияти юксалишига муносиб ҳисса қўшган забардаст ҳофиз ва бастакор Сафо Муғанний бўлади.**

Ўзини Нурметова Хосият Мўминжон қизи деб таништирган бу онахон турган-битгани катта бир қомус экан. Шажараси жаҳонга таниқли санъаткор Тамарахоним асраб олган таниқли санъаткорга бориб тақаладиган бу аёл билан гурунгимиз чошгоҳдан кеч пешингача давом этди. Сафо Муғаннийга қариндошлиги бор экан. Гоҳ кулиб, гоҳ кўзларига ёш олиб, билган ва эшитганларини гапириб берди. Олдимга қўйган бир қучоқ материаллар эса яқин кечмишнинг суронлари ҳақида сўйлаётгандек эди...

Ўтган асрнинг 30-йилларида бутун мамлакатда бўлгани каби Хоразмда ҳам қатағон сиёсати даҳшатли тус олди. Юзлаб бойбадавлат, имон-эътиқодли кишилар қаторида адабиёт ва санъат намояндалари ҳам ноҳақ айбланиб, йўқ қилинди. Хоразм жадидлик ҳаракатининг ёрқин намояндалари бўлган Худойберган Девонов, Комил Девон, Мулла Бекжон Раҳмонов, Марям Султонмуродова, Раҳмат Мажидий, Қурбон Берегинлар қатори Сафо Муғанний ҳам манфур тузум қурбони бўлди. Сафо Муғанний 1937 йилнинг 27 августида ҳибсга олиниб, ноҳақ жазога ҳукм қилинди.

Манбаларда Оллоберганов Сафо — Муғанний (тахаллуси) 1882 йилда Хива яқинидаги Гандимиён (қадимий номи: Гандумкон) қишлоғида дунёга келган деб қайд этилади. Бироқ унинг фарзандлари ёзиб қолдирган манбаларда отасининг 1876 йилда туғилгани таъкидланади.

Сафо Муғаннийнинг отаси қашшоқ деҳқон одам бўлиб, ярим таноб ерда тирикчилик қилар эди. Сафо эндигина 2 ёшга кирганида отаси вафот этади. Қариндошлари марҳумнинг маъракасини ўтказиш мақсадида ўша мерос қолган ярим таноб ерни сотишга мажбур бўлишади.

Марҳумнинг беваси Ҳожар Ҳусайн қизи бошқа бир одамга турмушга чиққач, Сафо Оллоберганов 8 ёшгача ўгай отасининг қўлида тарбия топади. 8-9 ёшларидан бошлаб эса гандимиёнлик Абдулла Ёқуб ўғли деган бадавлат одамнинг уйида хизмат қила бошлайди. Сўнгра шу қишлоқда яшовчи Соҳиб Назарбой хонадонига хизматга киради. Бу одам анча маърифатли инсон эди. У ёш Сафонинг тиришқоқ ва илмга чанқоқлигини кўриб, бошланғич таълим олишига шароит яратиб беради. Соҳиб Назарбой кучли созанда эди. Ёлғиз қолганида қўлига танбур олиб, қўшиқлар куйлаб ўтирарди. У Сафода санъатга бўлган қизиқишни пайқаб, унга созандалик сирларини ўргата бошлайди. Айни қирчиллама йигит чоғидаёқ унинг қўшиқ айтиб, дилтортар мусиқалар чалиши Хоразмда овоза бўлади. Уни элдошлари "Сафо созчи" ёки "Сафо талқинчи" деб чақиришарди. Хоразмда мумтоз қўшиқлар ижро қилувчи санъаткорларни ўша даврларда "талқинчи" деб аташарди.

Ёш Сафо ўша даврдаёқ янги қўшиқ ва куйлар ярата бошлаган эди. Анча кексайиб қолган шоир ва бастакор Комил Хоразмий билан танишуви унинг ҳаётида катта бурилиш ясади. У бу устозидан янги куйлар яратиш ва уларни ноталаштириш илмини ўрганади.

1909 йил баҳорида Хиванинг Дешонқалъа мавзеида ўтказилаётган халқ сайилларидан бирида Хива хони бош вазири Исломхўжа Иброҳимхўжа ўғли танбурда қойилмақом куй чалиб, бор овозда баралла қўшиқ куйлаётган навраста бир йигитни кўриб қолади. У ўз мулозимларидан: "Бу муғанний ким бўлди? Худди булбулдек чаҳ-чаҳ уради-я!" — деб сўрайди. Даврабошилар дарҳол йигитни вазири акбар Исломхўжага таништирадилар ва унинг исми-шарифи Сафо Оллоберган ўғли эканини айтишади. Маърифатпарвар ва санъатсевар Исломхўжа Сафони Хоразм ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон — Феруз саройига олиб кетади ва унга ҳомийлик қила бошлайди. Бу вақтда (XX асрнинг бошлари) хоннинг Хива саройида таниқли созанда ва ҳофизлардан иборат катта ансамбль фаолият юритар эди. Сафо улардан танбур, дутор, қўшнай ва бошқа миллий мусиқа асбобларида куй чалиш маҳоратини тўлақонли равишда ўзлаштиради.

Муҳаммад Раҳимхон — Феруз вафот этиб (1910 йил), Хоразм салтанатида Исфандиёр ҳукмронлик қила бошлаган даврда у "Сафо" исмига "Муғанний" тахаллуси қўшиб айтиладиган даражада катта санъаткор бўлиб етишган эди. Исломхўжа фожиали вафот этгач, у хоннинг мулозимларидан бўлган Юнус Ясовулбошининг ҳомийлигида иш олиб боради.

Исфандиёр ҳукмронлиги даври (1910-1918)да Хоразмда жадидлик ҳаракати кучайган бўлиб, улар асосан икки гуруҳга бўлинган эди. Биринчиси, кескин сиёсий ҳаракатлар билан монархияни ағдариб ташлашга интилган жадидлар бўлса, иккинчи гуруҳни ҳар қандай шароитда ҳам халқни маърифатли, билимли қилишга интилган зиёлилар ташкил қилар эди. Сафо Муғанний Хоразм жадидларининг ана шу иккинчи гуруҳида фаол иштирок этди. У фақатгина санъат ва маданият ходими бўлибгина қолмасдан, жамиятни, айниқса, таълим соҳасини ислоҳ қилиш, замонавий маданият ва маърифат тамойилларини ҳаётга татбиқ қилишга интилди.

Большевиклар кўмагида Хива хонлиги ағдарилгач, Сафо Муғанний ҳукумат тепасига келган "Ёш хиваликлар"ни қўллаб-қувватлади. У республика ҳукуматини фаровонлик ва тараққиёт олиб келади деб умид қилган эди. Ана шу умид ва ишонч билан у 1921 йил 6 март куни коммунистик партияга аъзо бўлиб қўшилди. Орадан кўп ўтмасдан, у барча сафдошлари каби қаттиқ янглишганини тушуниб етди. Чунки Хоразм Халқ Республикаси ҳукуматини қисқа муддат ичида қип-қизил мустамлакапараст кучлар эгаллаб олган эди. "Ёш хиваликлар" етакчиси Полёзҳожи Юсупов сиёсатдан четлаштирилди. Жадидлар оғаси саналган Бобоохун Салимов Юмуртов этагидаги қишлоқда номаълум кимсалар томонидан отиб кетилди. Бутун Хоразм бўйлаб қонсираган жаллодларнинг шарпаси кеза бошлади. Ана шундай долғали бир кезда Хоразм Халқ Республикаси Хоразм Совет Республикаси деб қайта эълон қилинди. Бу эса миллий республика тараққиёти борасидаги барча эзгу орзуларни саробга айлантириб ташлади.

Сафо Муғанний 1921 йилда ХХСР маориф нозирлигида маданият бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлай бошлайди. Орадан бир йил ўтиб, уни Ҳазорасп (бу пайтда Ҳазорасп вилоят мақомида бўлган) партия қўмитаси котиби вазифасида иш олиб борди. 1924 йилда ХХСР ихтиёрий равишда тугатилиб, Ўзбекистон ССР таркибига қўшилгач, Хоразм округи ташкил қилинди. Сафо Муғанний 1925-1926 йилларда Хоразм округ Ер шўъбасининг раиси вазифасига тайинланди. Шўролар бошлаган ер-сув ислоҳоти айнан ана шу даврларга тўғри келди. Ислоҳот талабига кўра бой-бадавлат одамларнинг ерлари давлат фойдасига мусодара қилинди, баъзи ерсиз камбағал хонадонларга бўлиб берилди. Кўпчилик ўз жони ва бола-чақаси ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида ўз ихтиёри билан ер, чорва ва бошқа мулкларини давлатга хатлаб бера бошладилар. Сафо Муғаннийнинг ҳам Исфандиёр хонлик қилган даврда Юнус Ясовулбоши ҳомийлигида орттирган бойлиги ва ерлари бор эди. У Гандимиён қишлоғидаги 9,5 таноб ерини давлатга "ихтиёрий" равишда топширишга мажбур бўлди. Чунки доғули сиёсат тегирмонидан омон чиқишнинг ягона йўли ҳам шу эди.

1927 йилда Сафо Муғанний оиласи билан Урганч шаҳрига кўчиб ўтади. Негаки, уни Урганч район ижроия қўмитаси раиси лавозимига тайинлашган эди. У бу лавозимда бор-йўғи бир йилгина фаолият юритган бўлса-да, халқнинг ҳурмат-эътиборини қозона олди. Унинг ўз мансаб ваколати доирасида халққа манфаати тегадиган ишларни бажариши айрим ғайир ниятли кимсаларга асло ёқмасди. Унинг доимий равишда дўппи ёки чўгирма кийиб юриши "мутаассиб диндор" деган тавқи лаънатни олишига ҳам сабаб бўлди.

ВКП(б) раиси И.В.Сталиннинг Хоразм компартиясида иккиюзламачи, сохта коммунистлар кириб олгани ҳақидаги нутқи 1929 йилда сиёсий "тозалаш" буҳронини бошлаб юборади. Бошқа сафдошлари қатори Сафо Муғанний ҳам асосий нишонга айланди. Хоразм округ компартияси махсус йиғилишида тўққиз йил давомида партия сафида фидокорона хизмат қилиб келаётганидан мутлақо кўз юмилиб, уни мустабид хон саройида хизмат қилганликда айблашди. Уни ҳатто "халқ душмани", "ёт унсур" дейишгача боришди. Бироқ Сафо Муғанний ҳам барча айбларни жим туриб эшитиб турадиганлардан эмас эди. У давлат тараққиёти, компартия ривожланиши учун жонини тикканлигини айтиб, шу мақсадда ўзининг хусусий 9,5 таноб ери ва бошқа бойлигини холис ният билан топширганини иддао қилди. Муҳокама унинг партия сафидан ҳайдалиши ва совет идораларида ишлашдан четлаштириш билан ниҳоясига етди.

Ана шундан сўнг Сафо Муғанний ўзининг қолган ҳаётини фақат ва фақат санъатга бағишлади. У 1929-37 йилларда Хоразм округ театрида режиссёр ва шу билан бирга 1935-37 йилларда ўқитувчилик вазифаси билан шуғулланди. Ўзбекистон, янги замон ва Хоразмни улуғлаб қўшиқлар яратди. Унинг саҳна асарлари ўз даврида театр саҳнасида намойиш қилинди.

1934 йилда воҳага Тамарахоним бошчилигида бир гуруҳ санъаткорлар ҳукумат топшириғи билан ташриф буюрди. Сафо Муғанний ўз дўсти ва сафдоши Комил Девон билан биргаликда Тамарахонимга яқиндан устозлик қилди ва унга қадимий миллий рақс ва ашулаларни қунт билан ўргатди. Тез орада Қуйи Амударё халқлари лапарлари, яллалари Тамарахоним репертуарини бойитди. Сафо Муғанний "Бухоро мавриги"сидан мутлақо фарқли ўлароқ "Хоразм мавригиси"ни яратиб, Тамарахоним ижросида саҳнага олиб чиқди.

Тамарахоним Сафо Муғанний ўргатган рақс ва қўшиқларни ижро қилиб, 1935 йилнинг 17-19 июль кунлари Англиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган халқаро рақс фестивалида олқишга сазовор бўлди. Айниқса, "Ганжи Қорабоғ" ашуласи ва "Лазги" куйида ижро қилинган ўзбек рақси Англия қироли Жорж V ва қиролича Мери эътирофига сазовор бўлди. Қиролича Мери Тамарахонимни олтин соат ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирлайди ва ўзининг олтин узугини унинг қўлига тақиб қўяди. Ҳолбуки, ушбу фестивалда собиқ СССРдан бошқа гуруҳлар ҳам иштирок этиб, улар славян тилларида кўплаб қўшиқлар ижро қилишади. Барибир қирол ва қиролича Тамарахонимни олқишлашади.

Сафо Муғаннийга 1936 йилда Ўзбекистон ҳукуматининг "Меҳнат қаҳрамони" ордени топширилди. Аммо орадан бир йил ўтгач, Сафо Муғанний қамоққа олинади. Бу вақтда у Тошкентдаги Свердлов кинотеатрида бир гуруҳ хоразмлик санъаткорларни Москвада бўлиб ўтадиган Ўзбекистон санъати кунлари декадасига тайёрлаётган эди. Унга "Аксилинқилобчи Троцкий ва Бухаринларга алоқадор шахс", "Озод Туркистон" ва "Миллий иттиҳод" ташкилотларининг аъзоси деган айблар қўйилади. Ҳатто Тамарахоним билан грампластинкага ёзилган қўшиқларини аксилинқилобий руҳда деб баҳолашади. Ваҳоланки, бу санъат дурдоналари халқ қўшиқларидан иборат бўлган.

Хўш, мамлакатнинг олис бир чекка ҳудудида яшаб ижод қилган оддий бир санъаткор Россия марказида лаънатланаётган Троцкий ва Бухаринларга қандай алоқадор бўлиши мумкин эди? Бу ўта ачинарли ва мантиқсиз айблов эди.

"...Халқ душмани деб айбланганларни фикран бир ҳалқага улаб кўраман. Оддий созчи, хонандаларнинг Троцкий ва Бухаринга дахлдор ҳалқа сифатида қатағон қилиниши сабабларини излайман ва фикрим равшанлашгандай бўлади. Улар Сталин ва Троцкий, Бухарин ўртасидаги сиёсий адоват, олий мансаб курсиси учун кураш қурбони. Бу нафақат олий давлат бошқарувида, балки энг чекка ва паст ҳалқаларда ҳам ягона диктаторлик ўрнатиш, халқни қўрқув ва ваҳимада сақлаш, шу орқали ҳукмини ўтказиш усули. Бу усулни амалга ошириш унчалик қийин бўлмади, айниқса, Сафо Муғанний тақдирини ҳал қилишда.

Ўша даврда республика ҳукуматини Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев бошқарарди. Акмал Икромов Бухарин билан қуда. Бухарин эса Троцкийни бир неча бор қўллаб-қувватлаган. Иккинчи томони эса Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев Хоразмда бўлганида, Сафо Муғанний уларни мадҳ қилиб қўшиқ айтган. Файзулла Хўжаев Сафо созчига 30-йиллар бошида Хоразмга келганида "баян" созини совға қилган. Шуларнинг ўзиёқ ўша давр сиёсатига кўра "халқ душмани" дея аталишига етарли эди", — деб ёзган эди журналист Отамурод Пирматов "Хоразм ҳақиқати" газетасида эълон қилинган "Сафо Муғанний" мақоласида (2005 йил 31 август).

Аслида, кекса журналист ёзганидек, Сафо Муғанний Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевларни мақтаб, мадҳ қилиб қўшиқ куйлаган эмас. Ушбу раҳбарлар 1930 йилларнинг бошларида олис Хоразмга мамлакат пойтахтидан Бухорогача поездда келишади ва бу ердан Чоржўйга ўтиб, дарё флоти орқали Хоразмга қараб жўнайди. Бу вақтда Хоразм ҳақиқатан бориш жуда машаққатли округ саналган. Воҳага темир йўл йўқлиги сабаб фақат Амударё орқали кемада сузиб борилган, ҳатто вилоятлараро автомобиль ёки самолёт қатнови ҳақида тасаввур қилиш ҳам мумкин бўлмаган.

Ўшанда Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари ўтирган кема Ҳазораспдаги Туямўйин дарасига келиб тўхтагач, дарёнинг кескин қуйилиш қисмидан "Шарловуқ-Мўйноқ" йўналишидаги иккинчи бир кемага чиқишади. Чунки "Чоржўй-Туямўйин" йўналишидаги кема дарадан ўтиши катта муаммо бўлиб, чўкиб кетиш эҳтимоли юқори бўлган. Мартабали ҳукумат раҳбарларини Урганч туманидаги "Чолиш" бандаргоҳида бир гуруҳ ёшуллилар кутиб олишади. Улар орасида гармон чалиб қўшиқ айтганча пешвоз чиққан Сафо Муғанний ҳам бор эди:

*Хоразмдур узоқ округ,*
*Темир йўл йўқ — қийинчилик.*
*Сиздан керак ёрдамчилик,*
*Хуш келдингиз Хоразмга!*

Булбулдек ёқимли овозда терма куйлаб турган Сафо Муғаннийни Файзулла Хўжаев бағрига босади ва: "Албатта, темир йўл қурамиз!" — дейди ва бошқа воҳа раҳбари билан эса қўл бериб кўришади. Бу эса унинг турли бўҳтон ва иғволарга учрашига сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

1937 йил 28 август куни Сафо Муғанний яшаган Урганч шаҳри, II корпус, 16-хонадонда тинтув ўтказилади ва санъаткорга тегишли барча моддий ва маънавий бойликлар хатланиб олиб кетилади. Турмуш ўртоғи Ҳожар Ҳусайинова ҳамда икки қиз ва икки ўғли чирқираб қолишади. Катта ўғли Оллоберган Сафоев бу вақтда 26 ёшда бўлиб, Хоразм театрида актёр бўлиб ишлаётган эди. Тўнғич қизи Пошшо эса бўй етиб қолган — 16 ёшда, кичик қизи Рўза Сафоева 10 ёшда бўлган. Кенжабой эса ҳали туғилганига бир ойча ҳам бўлмаганди.

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, тадқиқотчи Баҳром Ирзаев олиб борган изланишлар натижасида шуни билишимиз мумкинки, тергов жараёнида Сафо Муғанний ўзига нисбатан қўйилган бирорта айбни тан олмайди ва ҳеч қандай ҳужжатларга имзо ҳам чекмайди. Гарчи шундай бўлса-да, санъаткорга 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашади. У Сирдарё вилояти, "I Малик" совхозининг №196474 рақамли маҳбусига айланади. У бу ердан туриб, Ўзбекистон ССР Олий совети раиси Йўлдош Охунбобоев номига хат орқали мурожаат қилади. Аммо бундан кутилган натижага эришолмайди. Оғир шароитда унинг кўзлари кўрмай қолади. Айрим манбаларда Сафо Муғанний 1940 йилда Сирдарёдаги "Малик" совхозида вафот этгани ёзилади. Фидойи олим Баҳром Ирзаев тадқиқотларида эса "1941 йил унинг жазони ўтаган охирги ери ёхуд унинг сўнгги манзили ҳақида унинг иши асосида бирорбир аниқ гап айтиш қийин. Бироқ 1941 йил 20 февраль санаси билан ишга тикилган маълумотнома Ярославл вилояти, Рибин тумани, Волжский МТЛдан №157678 рақамли маҳбус Сафо Муғанний ҳақида берилган", деган қайдномаларни ўқиймиз.

1953 йил собиқ СССР давлат раҳбари Сталиннинг вафотидан сўнг барча иттифоқдош республикаларда сиёсий вазият мўътадиллашади. Никита Хрушчев ислоҳотидан сўнг ноҳақ қатағон қилинган шахсларнинг тирик қолганлари қамоқдан озод қилина бошлайди. Дунёдан ўтиб кетганларининг номи эса суд қарори билан оқланади. Сафо Муғаннийнинг кенжа қизи Рўза Сафоева 1957 йилда ЎзССР Олий Совети Президиуми раиси Шароф Рашидов номига ариза ёзади. Натижада ҳақиқий маънода қайта текширишлар бошлаб юборилади.

1937 йилдаги қисқа муддатли терговда, минг таассуфки, Сафо Муғаннийга қарши ўз сафдошлари, яъни элга таниқли санъаткорлар қарши кўрсатма беришганини ҳужжатлар тасдиқлаб турибди. 1958 йил 22 февраль куни қайта сўроқда эса Машарип Ризаев, Яқубов Мадраҳим Шерозий, Матёқуб Атаджанов кабилар олдинги кўрсатмаларидан тонишади. Улар тергов жараёнида ҳужжатларга рус тилида ёзилгани сабаб тушунмасдан имзо чекишгани тан олишади. Тўпланган барча далил ва гувоҳлар кўрсатмаларига асосланган ҳолда Хоразм вилоят суди 1958 йил 19 апрель куни Сафо Муғанний ишини кўриб, уни оқлайди.

Кўпчилик санъатшунослар "Лазги" куйига биринчи бўлиб Комилжон Отаниёзов қўшиқ басталаб ижро қилганини ёзишади. Бироқ "Лазги"га Комил Хоразмий шеърини қўшиқ қилиб илк бор куйлаган санъаткор Сафо Муғанний эди, деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Комилжон Отаниёзов ўзининг Машраб ғазалига боғлаган мухаммасини "Лазги" куйи билан ижро қилиб, элга танилган. Мантиқан ёндашганда, Сафо Муғанний Комил Хоразмийнинг хос шогирди сифатида унинг "Сўйла менга, эй санам, Кимнинг севар ёрисан?" нақоратли шеърини қўшиқ қилиб куйламаслиги мумкин ҳам эмас эди. Чунки бу шеър айнан қўшиқ учун ёзилган дурдона асарлар сирасига киради.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Сафо Муғанний ҳаёти, унинг шоирлик ва бастакорлик билан бирга сиёсий фаолияти чуқур ўрганишни талаб қилади. Унинг шеърлари, басталаб ноталаштирилган куй-қўшиқлари, саҳна асарлари тўплаб, тадқиқ қилинишга муҳтож. Ўйлаймизки, келажакда ёш олимлар изланишлари натижасида элимизнинг фидойи маърифат намояндасининг бизга номаълумлигича қолаётган мероси қайта тўпланиб, халқимизга тақдим қилинса, савобли иш бўлар эди.

**Эрпўлат БАХТ**

## ХОРИЖ

### ЯҚИН ШАРҚ БЎЙЛАБ АЭРОПОРТЛАР ЁПИЛДИ

***Исроил – Эрон можароси ортидан минтақа ҳаво ҳудуди, жумладан Яқин Шарқ бўйлаб аэропортлар ёпилган. Ўнлаб рейслар бекор қилинган ёки амалиёт сезиларли даражада қисқартирилган. Натижада ўн минглаб йўловчи сарсон, кўпчилик зиддият ҳудудини тарк эта олмаяпти, уйига қайтолмаяпти.***



– Парвоз узилиши улкан кутилмаган харажатларга олиб келади, – деган истеъфодаги учувчи, ҳаво хавфсизлиги бўйича мутахассис Жон Кокс. – Тўсатдан минглаб йўловчи, экипаж, самолётларнинг парвоз режаси ўзгариб кетган.

Ливан ва Иорданияда ҳаво ҳудуди қисман очиқ бўлса-да, аэропортларда тартибсизлик кучайди, аксар йўловчилар ёзги саёҳат мавсумида кечиктирилган ёки тўхтатилган рейс туфайли уйида ёки чет элда қолиб кетган. Кўпгина авиакомпаниялар рейсларни камайтирган. Ҳукуматлар ҳарбий ҳаракатлар ортидан бир кечада аэропортларни ёпган. Масалан, Сурия янги раҳбарият бошчилигида вайронага айланган аэропортларини эндигина таъмирлаётган, можаро бошланганда дипломатик алоқаларни тиклай бошлаган эди. Ироқдаги барча аэропортлар Эронга яқинлиги сабабли ёпилган. Хабарларга кўра, Исроил Эронга зарба бериш учун Ироқ ҳаво ҳудудининг бир қисмидан фойдаланган, Эроннинг учувчисиз учоқлари ва қарама-қарши йўналишда учаётган ракеталари Ироқ узра уриб туширилган.

### ТАШҚИ РАЗВЕДКАГА АЁЛ КИШИ РАҲБАР БЎЛАДИ

***Буюк Британия бош вазири Кир Стармер Ташқи ишлар вазирлигининг Махфий разведка хизмати (МИ6, ташқи сиёсат разведкаси) бошлиғи этиб Блэйз Метревели тайинланишини маълум қилган.***



"Метревели агентлик тарихидаги ўн саккизинчи раҳбар ва Буюк Британия душманлари томонидан таҳдидлар кучайиб бораётган бир пайтда бу лавозимдаги биринчи аёл бўлади", дейилади баёнотда. Метревелининг ўзи бу тайинланишдан "ғурурланиши" ва буни "шараф" деб билишини айтган.

Блэйз Метревели МИ6 амалдаги раҳбари Ричард Мур ўрнини эгаллайди, у агентликни 2020 йилдан буён бошқариб келган ва шу йил кузида ўз лавозимини тарк этади. Махфий разведка хизмати раҳбари агентликнинг ягона ошкор ходими ҳисобланади.

Блэйз Метревели 47 ёшда ва 1999 йилдан бери Британия разведка хизматларида ишлайди, деб ёзган "BBC News". Метревели ҳозир технология ва инновациялар учун масъул бўлган МИ6 бўлими раҳбари бўлиб ишлаяпти. Бунгача у Британия хавфсизлик хизмати – Британия контрразведка агентлигини бошқарган.

### ХИТОЙ ЯДРОВИЙ АРСЕНАЛИНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

***Стокгольм халқаро тинчлик тадқиқотлари институти 2025 йил учун йиллик ҳисоботида барча ядровий давлатлар иштирок этаётган янги ядровий қуролланиш пойгаси бошланганини билдирган.***



Дунё янги ядровий қуролланиш пойгасининг гувоҳи бўляпти, унда деярли барча тўққиз ядровий давлат — АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Шимолий Корея ва Исроил ўзларининг ядровий арсеналларини модернизация қилиш ва кенгайтириш бўйича жадал дастурларни амалга оширмоқда, дейилади Стокголм халқаро тинчлик тадқиқотлари институти ("SIPRI")нинг 56 йиллик ҳисоботида.

Янги ядро қуролларини жойлаштириш жадаллашиб бормоқда ва яқин йилларда янги жанговар каллаклар сонининг ўсиши эскиларини демонтаж қилиш тезлигидан ошиб кетади, деб ҳисоблайди "SIPRI". "Совуқ уруш тугаганидан бери давом этган дунёда ядро каллакларининг умумий сонини қисқартириш даври якунланмоқда", деди ҳисобот ҳаммуаллифларидан бири, "SIPRI" "Оммавий қирғин қуроллари" дастури тадқиқотчиси Ханс М.Кристенсен. "Бунинг ўрнига, ядровий арсеналларнинг кўпайиши, ядровий риториканинг кучайиши ва ядровий қуролларни назорат қилиш бўйича келишувларни рад этиш тенденцияси аниқ", — деган Кристенсен.

### ЖССТ ОЧАРЧИЛИК ТАҲДИДИ ҲАҚИДА ОГОҲЛАНТИРДИ

***"Суданда давом этаётган қуролли тўқнашувлар фонида болалар очлик ёқасида", деган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бош директори Тедрос Адҳаном Гебрейесус.***



"Х" платформасидаги постида Гебрейесус гуманитар вазиятнинг ёмонлашувига эътибор қаратиб, "болалар очлик хавфига дуч келаётганини ва гуманитар ходимлар ҳаётни сақлаб қолиш учун ёрдам беришга ҳаракат қилаётганини" таъкидлаган.

Ҳужумлар оқибатида ходимларини йўқотган БМТ Жаҳон озиқ-овқат дастури ва БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)га ҳамдардлик билдирган. ЖССТ раҳбари гуманитар ходимларга қилинган ҳужумларни қоралади ва тинч аҳоли, инфратузилма ва миссия ходимларини зудлик билан ва доимий ҳимоя қилишга чақирган.

"Энг яхши дори — тинчлик", деб қўшимча қилган у.

**Интернет маълумотлари асосида**
**Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.**

## УСТОЗЛАР ҲАҚИДА

# ЮЛДУЗНИНГ ЁНИДА...

**Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф**
**ўқутмиш ранж ила,**
**Айламак бўлмас адо онинг ҳақин**
**юз ганж ила.**
**Алишер НАВОИЙ**

**Доно халқимиз “Устоз отангдан улуғ” деб бежиз айтмаган. Бири сени осмонлардан пастга олиб тушган бўлса, иккинчиси сени пастдан кўкларга олиб чиқди. Аммо бизга кўп хизмати синган, биз учун ибрат намунаси, юксак инсоний фазилатлар тимсоли бўлган устозлар ҳақида сўз айтиш осон ва шу билан бирга жуда қийин экан. Осонлиги шуки, устоз ҳақида, у инсоннинг яхшиликлари ҳақида тўлқинланиб гапириш мумкин, аммо қоғозга туширишга келганда керакли сўз топиш анча қийин бўлар экан. Лев Толстойнинг “Бурчингни адо этишга ҳаракат қил, шунда дарҳол ўзингнинг кимлигингни билиб оласан”, деган сўзлари қўлимга қалам олишга ундади.**

Мен ҳаётимда кўплаб инсонлардан яхшиликлар кўрдим. Энг катта устозларим — тоғам Абдурауф Абдурасулов, Озод Акбаров, Қудрат Турсунов ва Ислом Зокировларни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Қаердадир ўқигандим: “Тоғ тоғ билан, чўққи чўққи билан туташиб кетганидек, юлдузнинг ёнида, албатта, юлдуз порлайди”. Топиб айтилган гап.

1981 йили ўрта мактабни битириб, яхши орзу-умидлар билан олий ўқув юртига кириш учун Тошкентга келдим. Омадим чопмади — институтга киришга муваффақ бўлмадим. Вақтдан ютиш учун ўша пайтларда турбатликлар учун ҳамиша бағрини очадиган Озод Акбаров раҳбарлик қиладиган 84-ҳунар-техника билим юртига ҳужжат топширдим. Эл қатори ётоқхонада яшай бошладим. Аммо кўп ўтмай, Нури аммамнинг ўғли Қудрат акам: “Ётоқхонадан кўра, бизникида яшай қол”, деб қолдилар. Шу тариқа Янгиободдаги икки хонали уйда бир эмас, тўққиз нафар турбатлик эркаклар яшай бошладик. Мана шунда мен ҳақиқий одамгарчиликни кўрдим.

Асосан, Ислом ака ва Қудрат акалар ишлашарди, қолганларимиз у ёки бу таълим даргоҳида ўқирдик. Кечқурунги гурунглар туфайли сиёсатга, тарихга, адабиётга қизиқиб қолдим. Чунки фикри теран инсонлар даврасига тушиб қолган эдим. Қудрат ва Ислом акамларнинг дунёқараши кенг эди. Уйда катта магнитофон бўлиб, Фахриддин Умаров ва Бахтиёр Холхўжаев қўшиқлари ёзилган атиги битта лента бўларди *(ҳамма нарсаси смартфонида мавжуд бўлган ҳозирги авлод бу магнитофонни ҳам, ленталарни ҳам билмайди. Катта авлоднинг ёдига тушсин, дея ёзяпман. **Ш.Т.**)*

Кейин армияга — ҳарбий хизматга кетдим.



Икки йилдан кейин Тошкентга келганимда, Ислом акам ҳовли олиб чиқиб кетган эдилар. Аммо Янгиободда Қудрат акам билан қўшни яшашарди. Мен Қудрат акамнинг уйида турардим. Кундузи Озод Акбаров директорлик қиладиган ҳунар-техника билим юртида ишлаб, кечқурун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетида ўқирдим. Ўқишга киришимда катта меҳнати сингган Озод Акбаров, Қудрат Турсунов ва Ислом Зокировдан бир умр миннатдорман. Агар мана шу инсонлар бўлмаганида, ҳаётим мутлақо бошқа йўлдан кетган бўларди. Бу аниқ. Шу ўринда Абдулла Ориповнинг “Яхшиларнинг меҳри унутилмас, унутилмас улар олдидаги қарз”, деган сатрлари ҳам ёдга тушади.

Ислом Зокировдан ўрганадиган жиҳатлар роса кўп. Катта арава қаердан юрса, кичик арава шу йўлдан юради, деган гап бор. Ислом ака устозларнинг ҳурматини жойига қўяди. Мана шу хислат озми-кўпми бизларга ҳам юққан десам, янглишмаган бўламан. Ислом ака меҳнатдан қочмайди. Жуда катта лавозимларда ишладилар — оддий ўқитувчиликдан то ҳунар-техника билим юрти директори, туман Халқ таълими бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармаси бошлиғи, Республика Таълим бошқармаси раҳбари лавозимларида фаолият юритдилар. Шунга қарамай, ўша оддийликни, камтарликни сақлаб қолди. Шу ўринда донишмандларнинг “Ҳақиқий буюклик ўзни тута билишдан иборат” деган гаплари эсга келади. Ҳақиқатан ҳам ўзни тута билиш ҳаётдаги энг олий неъматларнинг биридир. Эсимда, Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармаси раҳбари эдилар (бу у вақтларда салкам Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари дегани), қайсидир ўртоқлари ўғлини уйлантирди. Тўйда бошқалар қатори дастурхон атрофида ўтирсалар бўларди. Аммо дўстларнинг ёнида туриб, елиб-югуриб хизмат қилган эдилар. Кейинчалик ҳам Ислом аканинг бемалол дастурхон атрофида ўтирганини эслай олмайман. Фақат хизматда бўладилар. Мана шу биргина ҳолат мен учун бир умрлик сабоқ. Устоздан



ўрнак олиб, мен ҳам дастурхон тўрида ўтиргандан кўра, иложи бўлса, дўстлар хизматида бўлишга интиламан.

Ислом аканинг энг катта хизматларидан бири — бу турбатлик ёши улуғ инсонларни бир жойга тўплаб “гап” уюштириши. Мана, 20 йилдан ошибдики, турбатлик кексаларнинг “гапи” ҳар ойда бир марта ўтказиб турилади. Кексаларнинг мана шу учрашуви тарихий ва буюк бир вазифани бажарди. “Гап”да, асосан, зиёлилар тўплангани боис, маърифий мавзуларда суҳбатлар уюштириларди. Мана шу суҳбатлардан бирида она қишлоғимиз Турбат ҳақида китоб ёзиш фикри ўртага ташланди.

Ислом ака республика Таълим маркази раҳбари бўлиб ишлардилар. Имкониятлар борлиги, бундан фойдаланиб қолган ҳолда устозлар васиятини бажариш учун китоб чиқариш ғояси Ислом акага тинчлик бермади. 2015 йилда “Турбат тарихи” китобини ёзишга жиддий киришилди ва бу китоб 2016 йилда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр қилинди. Китобнинг Ўзбекистондаги нуфузли нашриётда босмадан чиқишида ҳам Ислом аканинг хизматлари катта бўлди. Тўғри, ўқувчилар учун китобнинг қайси нашриётда босмадан чиқишининг фарқи йўқдир. Аммо китобни яхши тушунадиганлар учун нашриётларнинг ҳам аҳамияти бор. Она қишлоғимиз тарихи акс этган китоб нуфузли нашриётда босмадан чиқиши катта воқеа бўлди, дея айта оламиз.

Бугун китоб чиқариш ҳам осон ва қийин. Осонлиги шундаки, нашриётга олиб борасиз ва чиқарасиз. Қийинлиги шундаки, китоб чиқариш учун маблағ керак. Пул тўламасангиз, китоб чиқара олмайсиз. Бу борада Ислом ака нашриёт раҳбарияти билан гаплашганига китоб муаллифларидан бири сифатида мен гувоҳман. Агар Ислом ака бўлмаганида, китоб чиқмаслиги аниқ эди. Яхшиям, акага ўхшаган ватанпарвар одамлар бор. Айнан шундай инсонларнинг хизмати, ҳиммати билан Турбат қишлоғининг қадимий тарихи келажак авлодларга ёзма тарзда мерос бўлиб қолишига эришилди. “Эзгулик фақат инсонга хос хусусият, бинобарин, биров бировнинг бахти ва роҳати учун хизмат қилса, бу яна ҳам инсоний хусусиятдир”, деган эди донишмандлардан бири. Ҳақ сўз. Эзгуликсиз яхшилик йўқдир. Ислом ака ана шундай эзгу ишлар учун туғилгандек.

Ўйлашимча, мана шу каби жиҳатларни инобатга олган ҳолда Ислом акадан ватанпарварликни ўрганиш керак. Ислом ака бир воқеани айтиб берганларида, рости, кўзимдан ёш чиқиб кетган эди. Қайсидир йили Мисрга боришади. Кечқурун Нил соҳилларида осмонга қараб ётганини кўрган шерикларидан бири Ислом акадан: “Нимани ўйлаб қолдингиз?” дея сўрайди. Шунда Ислом ака: “Кўкка қараб, Миср осмонидаги юлдузлар Турбат осмонидаги юлдузларга ўхшаб кетар экан, ёшлигим, болалигим ёдга тушди”, дебди. Шунда шериклари Ислом акага қойил қолганини тан олган экан. Ҳақиқатан ҳам, минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий Мисрда юриб ҳам ўз она қишлоғини унутмаган инсонни ҳақиқий ватанпарвар дейиш мумкин-да! Кейинчалик мен ҳам Хитой, АҚШ, Туркия, Россия каби давлатларда тунги самога боқиб, Турбат осмонини, Ҳинд, Тинч океани соҳилларида эса оёқларимни сувга солиб ўтирганимда фақатгина баҳор фаслидагина ўзининг борлигини эслатиб қўядиган Тошлоқ сувларида чўмилган давримизни эслаганман. Қўмсаганман она қишлоғимни!

Сўнгги сўз ўрнида яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Турбат айни дамда 12 мингдан сал кўпроқ аҳоли истиқомат қиладиган мўъжазгина қишлоқ. Аммо мана шу мўъжазгина қишлоқдан улуғ инсонлар етишиб чиққан. Айниқса, Алишер Навоийнинг назари тушган — “Насойим ул-муҳаббат”, “Мажолис ун-нафоис” асарларида тилга олиб ўтилган Исмоил ота, Исҳоқ ота, Атоийларни эслатиб ўтиш жоиз. Турбатликлар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан Ўзбекистон сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётида ҳам из қолдиришган. Уларнинг хизматлари инобатга олиниб, фахрий унвонлар, орден-медаллар берилган. Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири Тўроб Тўла, Ўзбекистон Халқ артисти Зоҳид Ҳақназаров, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Озод Акбаров, Ўзбекистон халқ артисти Рихсивой Авазов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жўра Исроиловлар қаторида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, педагогика фанлари номзоди Ислом Зокировнинг ҳамқишлоғимиз — турбатлик эканлигидан фахрланамиз.

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ**

---


## МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

# РАҚАМЛИ МИЖОЗ – ЯНГИ ДАВР БАНКИ АСОСИ

**Куни кеча Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томонидан сўз юритилган мавзулар бугунги рақамли даврнинг талаб ва эҳтиёжларига мутлақо ҳамоҳанг. “Рақамли мижозлар сонини ошириш: натижалар ва режалар” деб номланган ушбу тадбирда банкнинг рақамлашув йўлида босиб ўтаётган муваффақиятли қадамлари ҳақида фикр билдирилди. Бугун банк фаолиятида рақамли трансформация, инновацион ёндашув, мижозга қулай ечимлар – барчаси бир-бирини тўлдириб бораётган мураккаб, аммо ҳаётий жараёнга айланмоқда.**

Biznesni Rivojlantirish Banki




Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган банк соҳасини модернизация қилиш, рақобатбардошликни ошириш, замонавий ахборот технологиялари асосида молиявий хизматларни автоматлаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда банк хизматлари салоҳияти жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Уларнинг ёрқин мисоли – “Бизнесни ривожлантириш банки”нинг яқин келажакка мўлжалланган аниқ стратегияси ва унинг амалий натижаларида ҳам намоён.

Банк 2026 йил охирига қадар мобиль илова фойдаланувчилари сонини 1 миллионга етказишни мақсад қилган. Бир қарашда бу – катта рақам, лекин унинг илк босқичи деярли амалга ошган: ҳозирда “BRB Mobile” иловасида рўйхатдан ўтган мижозлар сони 546 мингдан ошган. Яна бир эътиборли маълумот: 2024 йилнинг январь-май ойларида 210 минг янги мижоз рўйхатдан ўтган. Ўтган йилнинг мос даврида бу рақам 42 минг эди, яъни ўсиш қарийб 5 баробар.

Бу шунчаки рақамлар эмас – бу инсонларнинг қулайликка интилиши, тезкорликка бўлган эҳтиёжининг ифодасидир. Рақамли дунёга қадам қўяётган аҳоли, энг аввало, ишончни ҳис қилмоқда. Чунки “BRB Mobile” – бу фақатгина банк иловаси эмас, балки ҳар бир фойдаланувчи учун шахсий молиявий дастур қобиғи, у орқали нафақат тўлов, балки кредит, карта буюртмаси, суғурта, авто ва таълим кредити, овердрафт каби хизматлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Бахтиёр РАҲМАТОВ, “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Стратегия бош директори:**

– Банк соҳасида рақамлашув шунчаки мода ёки тенденция эмас, балки стратегик эҳтиёждир. Биз мижозларимизнинг вақт, хавфсизлик ва қулайликка бўлган талабларини чуқур ўрганган ҳолда, рақамли хизматларни кенг жорий этаяпмиз. Ҳозирда хизматларимизнинг 83 фоизи рақамлаштирилгани – ёрқин мисол. Мақсадимиз – инсон омилини камайтириш, адашмаслик, тезкорлик ва аниқликни кафолатлаш.

Бугунги рақамли мижознинг энг катта хавотири – хавфсизлик. Буни инкор этиб бўлмайди. Шу жиҳатдан банкнинг инновацион ёндашуви эътиборга молик: мамлакатда биринчи марта “Session antifraud” тизими жорий этилди. Бу сунъий интеллект асосида ишловчи тизим фойдаланувчи иловага кирган заҳоти қурилмани, у орқали амалга оширилаётган ҳаракатларни таҳлил қилади, хавф даражасини баҳолайди ва зарур бўлса, автоматик блокировка механизмларини ишга солади. Бу — “рақамли хавфсизлик” тамойилининг аниқ амалий ифодасидир.




**Абдурасул АБДУЖАББОРОВ, Банк Инновация ва рақамли технологиялар департаменти директори ўринбосари:**

– “BRB Mobile” орқали банк мижозлари нафақат пул ўтказмалари, балки турли хизматларни автоматлаштирилган равишда олиш имкониятига эга бўлди. Онлайн таълим кредити, автокредитлар, карта буюртмалари – барчаси мижознинг ҳаётини енгиллаштиришга қаратилган. Биз рақамли муҳитда инсоннинг ишончини қозониш – энг катта вазифа, деб биламиз.

Банк фаолиятида яна бир муҳим жиҳат – операциялар самарадорлигини ошириш. Бугун банк томонидан тақдим этилаётган 52 турдаги хизматнинг 83 фоизи рақамлаштирилган. Бу нафақат мижоз учун қулайлик, балки банк учун ҳам вақт ва ресурс тежамкорлигидир. Анъанавий филиаллардаги навбатлар, қоғозбозлик, ишчи соатлар – барчаси қисқараётган бир пайтда мижоз қулайликдан унумли фойдаланиб, махсус иловада ўз юмушини битирмоқда.

Юридик мижозлар учун мўлжалланган “BRB Internet banking” тизими ҳам шиддат билан ривожланмоқда. 33 минг юридик мижоз, 1,9 миллион ўтказма, 32,7 триллион сўмлик операциялар – булар рақамли инфратузилманинг иқтисодий қуввати ва истиқболини англатади.

**Абдулла БУТАЕВ, “BRB-TECH” МЧЖ IT директори:**

– Биз “BRB-TECH” маркази орқали технологик ечимларни нафақат ишлаб чиқамиз, балки уларни тестдан ўтказиб, реал муҳитга татбиқ этамиз. Микросервислар, “BRB NEO”, онлайн суғурта каби янги лойиҳалар устида иш кетмоқда. Ҳар бир янгилик – рақамли мижознинг ҳаётидаги яна бир қулайликни англатади.

“Бизнесни ривожлантириш банки” томонидан амалга оширилаётган рақамли ислоҳотлар, сервислар, хавфсизлик механизмлари ва стратегиялар нафақат банк соҳаси, балки бутун молиявий экотизим учун намуна бўла олади. Ҳозирги кунда рақамлашув – бу мода эмас, бу эҳтиёж. У инсоннинг кундалик ҳаётига шундай сингиб кетмоқдаки, энди ундан воз кечишни тасаввур этиб бўлмайди.

Мухтасар қилиб айтганда, рақамли мижоз – бу янги давр банкининг марказий қаҳрамони. Унинг эҳтиёжини тушунган, унга ишончли сервис тақдим қилган банк эса ғолибдир.

**Ислом АСИЛБЕКОВ.**

*Реклама ҳуқуқи асосида*



**ШЕЪРИЯТ**

Очил ТОҲИР

# ДАЛЛИ ХАЁЛЛАРНИНГ ЖИЛОВИН ТОРТМА



### ОНАМ

*Саломдай қутлуғдир онамнинг сўзи,*
*Каломдай муқаддас онамнинг ўзи.*
*Офтобдай нурлидир онамнинг юзи,*
*Ой, қуёш, юлдузли осмоним онам,*
*Дуогўй, меҳрибон инсоним онам.*

*Оқ ойдин тонгларга бешикдир алланг,*
*Безавол улғайса бағрингда боланг,*
*Мунаввар кўринар кўзингга олам,*
*Меҳрибоним, жоним — жаҳоним онам,*
*Кўнглимнинг суянчи — сарбоним онам.*

*Айтганингдай, бу дунёга қўноқмиз,*
*Ҳаётда гоҳ мискин, гоҳо қувноқмиз,*
*Меҳринг туфайли биз доим иноқмиз,*
*Қибламда каъбамсан, дарбоним онам,*
*Қаноат боғида боғбоним онам.*

*Она, кўп ранжитдим нозик кўнглингни,*
*Кечирдинг ҳамиша саркаш ўғлингни,*
*Юзларимга босай қадоқ қўлингни,*
*Аллоҳнинг энг буюк эҳсони онам,*
*Менинг дуогўйим — посбоним онам.*

### ТААЖЖУБ

*Бу кўнгил тўлмайди, недир кам,*
*Тўлса ҳам, меҳрга муҳтож-зор.*
*Таажжубим, аҳли қавм одам —*
*Бири-биридан безор.*

*У бепарво, у лоқайд, бахил,*
*Онг-тафаккур фақат унда бор.*
*Аммо юз-кўзига ҳукмрон жаҳл,*
*Гугурт янглиғ ёнишга тайёр.*

*Бу кўнгил тўлмайди, тўймайди,*
*Ўзича ҳайвондан қилар ор.*
*Ҳайвонлар бир-бирин сўймайди,*
*Уларга ғирромлик эмас касби-кор.*

*Минг таажжуб, одам ўйламас*
*Ётишини тупроқни қучиб,*
*Билар ўзи фаришта эмас,*
*Лекин юрар осмонда учиб.*

### ЁЛҒИЗ БОШ

*Ёлғиз бош ёстиғин ярми бўш бўлар,*
*Шўрлик кўнгли яраланган қуш бўлар,*
*Орзу ҳам яримдир, ярми хўш бўлар,*
*Жавзода ҳам кўрган куни қиш бўлар.*

*Ҳаммага ҳам бирдек ёқмас бу сўзим,*
*Ёлғизга Аллоҳим берсин-эй тўзим,*
*Ичимдан ўтганин биламан ўзим,*
*Мажруҳ руҳга юпанч сароб, туш бўлар.*

*Бедорлик не, сўра кўнгли бедордан,*
*Қўш тор боис садо чиқар дутордан,*
*Жуфтлар кетар, шўрлик қолар қатордан,*
*Ғуссалар домида у беҳуш бўлар.*

*Тоқлик ва танҳолик Тангрига хосдир,*
*Бандасига бундай яшаш абасдир,*
*Шоир, юрак бу дастурхон эмасдир,*
*Айтаверсанг, дийданг қонли ёш бўлар.*

### ОЗОД ҚУШ

*Қунишиб ўлтирар ёлғиз митти қуш,*
*Балки, олис манзилларни кўрар туш,*
*Ўз шаклига ўхшаш қовжироқ баргга*
*Гоҳо қараб қўяр ўйчану хомуш.*

*Сен бир зариф сирли хилқат —*
*митти жон,*
*Ажабланиб атрофингга қарайсан.*
*Мол-дунёмас, керак бир кафтгина дон,*
*Қушчам, мендан йўқ нарсани сўрайсан?*

*Жисмонан ожизсан, аммо мағрурсан,*
*Билмайсан, нима у алдов, хиёнат.*
*Эрка қушим, бахтинг: эркинсан-ҳурсан,*
*Унутма, озодлик — улуғ иноят...*

### УЛАР ҲАМ ТИРИК ЖОН

*Қушлар ҳам тирик жон, суҳбат қурарлар,*
*Юрак кечинмасин қилишар изҳор.*
*Жуфт-жуфт бўлиб, бирга яшаб юрарлар,*
*Одамдай қавмига етказмас озор.*

*Ғийбат қилмас, гарчи тинмай сайрашар,*
*Улар чарчамаслар ёниб суйишдан,*
*Икки қалб сирин муқаддас санашар,*
*Қўрқар, бир-бирин йўқотиб қўйишдан.*

### БОШДАН ШУНДАЙ

*Ҳасад эмас, ҳавасга*
*Юрагимдан топдим жой.*
*Қуллуқ қилиб ҳар касга,*
*Бўлмайман, деб патак-пой,*
*Хандақларда тепдим лой.*

*Қаддимни мисли терак*
*Тик тутдим, букилмадим,*
*Сени қийнадим, юрак,*
*Туллак кимсалар мисол,*
*Ҳар кимга юкунмадим.*

*Кимдир бўп искабтопар,*
*Дер, ўзича қотирдим,*
*Мен қўпол, бетгачопар,*
*Деган номни орттирдим.*
*Ўйчан тонглар орттирдим.*

*Во ажаб, букрилар ҳам*
*Созлабди ўз қаддини.*
*Нима қилай, қайсар дил*
*Билмас сира ҳаддини,*
*Ичда сақлар дардини.*

*Қоринқуллар алишди*
*Қорин-нафсга қадрини,*
*Ҳам бир-бирин сотишди.*
*...Телба кўнглим сатрини*
*Ўқиб ҳайрон қолишди.*

*Шоир доим шоир-да,*
*Кор қилмайди тазйиқлар.*
*Айтсам манглай тақдир-да,*
*Кўпдир эгри чизиқлар,*
*Бошдан шундай ёзуқлар!..*

### БИЗ ЯНА

**1**

*Биз яна биргамиз!*
*Пичирлар лабинг:*
*“Чиқайлик қирга биз”,*
*Ҳаприқар қалбинг.*
*Қаҳри қаҳҳор қишнинг*
*Жиловин тортиб,*
*Бойчечак чиқиши*
*Табиий тартиб.*

**2**

*О, бойчечак қалблим,*
*Чекинмоқда қиш.*
*Ишва-ноздай ҳалим,*
*Ширин жилмайиш,*
*Аксланар акси*
*Дудоқ-лабингда.*
*Қалдирғочларнинг*
*Бошланар рақси*
*Менинг қалбимда.*

**3**

*Бу ҳамал-кўкламдан,*
*Мужда-хушхабар.*
*Айнан шу дамдан*
*Бошланар баҳор.*
*Дилга такрор-такрор*
*Солар бир оташ.*
*Муҳаббат ва баҳор*
*Томирдош, туташ.*

### ТАСКИН СЎЗ

*Олисларга тикил, узоқдан-узоқ,*
*Далли хаёлларнинг жиловин тортма.*
*Ҳур ёдинг сор-бургут қўймагин тузоқ.*
*Эркалагин, чап кўксингни оғритма.*

*Йиллар оёқ яланг боладай чопар,*
*Кўзгудан тикилар мўйсафид нигоҳ.*
*Шивирлаб қўй, ҳали олдда деб баҳор,*
*Таскин сўз саналмас ёлғон ё гуноҳ.*

### ОДАМЛАРНИ ОРАЛАБ

*Ўзимизда не бўлса борин*
*Ўртамизда кўрамиз баҳам,*
*Бизга ташвиш солмас нафс-қорин*
*Ва азобкуш катта бойлик ҳам.*

*Қалбимиз шамолдай эркин, ҳур,*
*Йўлимизни тўсолмас ғаним,*
*Гузарлардан ўтамиз масрур,*
*Одамларни оралаб, жоним.*

*Қош-қовоғин уйса уйибди,*
*Сен уларга қилмагин парво.*
*Кимдир кимни дилдан суйибди,*
*Чин бахт шудир қисматий туҳфа.*

### ТАЗАРРУ

*Сомон сувоқ томда — лолақизғалдоқ*
*Жилмаяр, беғубор бир қучоқ соғинч.*
*Самимий туйғуга ўғайдир алдоқ,*
*Соддалик риштаси — узилмас боғич.*

*Вақтда жилов йўқдир, умрда тизгин,*
*Йиллар пўртанаси — югурик, ўзгир...*
*Менинг юрагимдан сўрамас изн,*
*Хаёл жойидамас, ўйларим тўзғир.*

*Эсласам... тобора соғинчим ортар,*
*Сувоқлари кўчган пахса девор уй.*
*Йилларга бўй бермай бағрига тортар,*
*Руҳимни титратиб соғинч деган куй.*

*Ўсдим. Ёлғон тинглаб, ёлғонлар айтиб,*
*Қиёфаси ОДАМ катта қавм аро.*
*Болалигим, сенга қарайман қайтиб,*
*Оҳ, сенинг олдингда юзларим қора.*

*Тавба-тазарруми, не деб атайин,*
*Номини билмайман, чин иқрор сўзим.*
*Бир кун мақсадингга етишинг тайин,*
*Кибор юрагим сен — жаллод, бетўзим.*

### КЎНГЛИМСАН

*Ўзини ҳар кўйга солар бу кўнгил,*
*Гоҳ ўзин шоҳ санар, гоҳо фақир-қул,*
*Учса тенг келолмас қанотли дулдул,*
*Сен кўнгилсан, ахир кўнглимсан.*

*Гўдакдай инжиқсан, битмас хархашанг,*
*Гоҳида хокисор, гоҳида башанг,*
*Қандай ошкор қилай элга томошанг,*
*Сен кўнгилсан, ахир кўнглимсан.*

*Менинг оқ кўнглимсан, қора кўнглимсан,*
*Тантисан, қалб аро сара кўнглимсан,*
*Қизғанчиқсан, рашкдан яра кўнглимсан,*
*Сен шундайсан, ахир кўнглимсан.*

*Ўзгача дунёмсан, танҳо ягона.*
*Эл ичра номимиз саркаш, девона,*
*Девона, эл аро мудом афсона,*
*Шарҳи достонимсан, ахир кўнглимсан.*

*Яшаймиз дунёда кўмилиб сирга,*
*Пайти келса таъзим қилганча ерга,*
*Бирга туғилгандик, кетармиз бирга,*
*Гулмисан, тошмисан, менинг кўнглимсан.*

### БУЮК ТИМСОЛ

*Зирвасида оппоқ дастори,*
*Турар боқиб ҳайбатли тоғлар.*
*Доим бир хил ранги-атвори,*
*Доғласа ҳам кўксини доғлар.*

*Андиша кучлидир феълингда,*
*Тоғсан, қадрлайсан номингни.*
*Сирлар титраб турар тилингда,*
*Бироқ чиқармайсан дамингни.*

*Олмос чўққи — пурвиқор тоғлар,*
*Бошин қўяр тўшингга булут.*
*Юрак ютиб келолмас зоғлар,*
*Зоғлар қачон бўлибди бургут.*

*Тоғлар, тоғлар, қойил қоламан,*
*Майдаликдан тамоман холи.*
*Рости, қалбдан ҳавас қиламан,*
*Ироданинг буюк тимсоли.*

### ҚОЛДИРМАС ЎРИН

*Сабрим дарахтининг барглари сарғиш,*
*Ёки зуваламни қорганми ташвиш?*
*Истайманми-йўқми, бўладиган иш*
*Бўлади, гумонга қолдирмас ўрин.*

*Сен хоҳла-хоҳлама, қадринг бир чақа,*
*Куйиниб, кучаниб қўй йиртма ёқа.*
*Оқим суриб ташлар, бир ўзинг якка*
*Қоласан, “ёмон”га қолдирмас ўрин.*

*Холиссан, ҳолингга ачинмас биров,*
*Аксинча, ортади танбеҳу буров,*
*Фақат эрта тушар сочингга қиров,*
*Сўзлашга забонга қолдирмас ўрин.*

*Насиҳатмас, айтаман куйганимдан,*
*Билиб-билмай яхшига йўйганимдан,*
*Мен гапирдим жонимдан тўйганимдан,*
*Жоҳиллар иймонга қолдирмас ўрин.*

### БУ КЎНГИЛ

*Кампирнинг ортидан тикилди бир зум,*
*Ногоҳ сакраб кетди кўксида оҳу,*
*“Суқсурдай қиз эди! — ёнарди кўзим...”*
*Тикланар бағрида жунбишли туйғу.*

*Ҳаяжонли титроқ, мўъжиза, тилсим...*
*Босим берар ҳисга андиша, ҳадик.*
*Тилга тушов тушар, атрофда ҳеч ким*
*Йўқ бўлса ҳам, уни нўхталар қаттиқ.*

*Қани... чапдаст ёшлик, қирқ ўрим соч қиз...*
*Тағин кўз ўнгида бўларкан пайдо,*
*У каловланар, сўз тополмай ҳаргиз,*
*Пичирлар... бу кўнгил қилади адо!..*

### ЖАВОБ

*Катталар излар қадр, қалбида кибор,*
*Гирди тоза, ичи қурумлаб кетган,*
*Улар болаларга бермас эътибор,*
*Болалик ҳам уларни унутган.*

### ИДРОК

*Идрокимда ўсар бир дарахт,*
*Бўйи-басти савол шаклида.*
*Хомхаёлдан бошқа эмас бахт,*
*Умид-юпанч инсон аҳлига.*

*Нақли ишқда сеҳр-имо кўп,*
*Аҳли ошиқ туйғайдир буни,*
*Боғ бўлганми, қуриб қолган чўп?*
*Кўзни ачиштирар тутуни...*

**Муаллиф ҳақида:**

Очил ТОҲИР — 1955 йили Косон туманида туғилган. 1979 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида таҳсил олган.

Меҳнат фаолияти давомида “Қишлоқ ҳақиқати” (ҳозирги “Қишлоқ ҳаёти”), Муборак туманидаги “Дўстлик байроғи” газеталари ва Ўзбекистон телерадиокомпаниясида турли вазифаларда хизмат қилган.

Шоирнинг “Қарз”, “Соғинч соҳили”, “Кўнглим билан суҳбат”, “Шаклсиз одам”, “Вақт ушоқлари” сингари ўндан ортиқ шеърий тўпламлари нашр этилган. Асарлари бир қанча тилларга таржима қилинган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

---

**ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ**

Ҳадичахон КАРИМОВА

# ОНАИЗОР

**Бугун ая ўзгача кайфиятда уйғонди. “Ие, бомдод вақти кириб қолибди-ку”. Ўрнидан ҳар кунгидан енгил қўзғалди, битта-битта юриб дераза олдига келиб, самога қаради. Субҳидам пардаси ортидан осмонда юлдузлар милтирайди. “Улуғ айём тонгига етказганингга шукур! Кунимни хайрли, баракотли қилгин, Аллоҳим”.**



Ая намозолди тадоригини кўраркан, кўнглида ажиб бир ҳис уйғонди: бугун соғингани — катта ўғли албатта йўқлаб киради, ахир ҳовлиси бир маҳаллада. Учинчи қаватдан шундоққина кўриниб туради. Дийдорлашмаганига ҳам бир ҳафта бўлибди. “Соғинтирмасанг бўларди, болам. Наҳотки умрини сенга бағишлаган онангни кункунора бир йўқлаб қўёлмайсан?” дейишга меҳр отлиғ туйғуси парда бўлди чоғи. Ва ана шу туйғу: “Унгаям осон эмас: иморат қуряпти, кичигини уйлантириши керак, бир ёқда усталар, бир ёқда иши бор. Аёли ҳам ўзига етарли. Муборак Ҳайит айёмини унутмаса керак ахир”, дея кўнглига таскин беради.

Ибодатдан сўнг аянинг телефони жиринглаб қолди. “Бўлса-бўлмаса, ёнимдаги каттам”, кўнглидан ўтказди ая. Хиралашган кўзлари кимданлигини кўрмади, “Эшитаман, ўғлим”, дея қулоғига тутди.

— Ўзимнинг онажоним, ассалому алайкум! Улуғ айёмингиз муборак бўлсин! — Ўғли Умид қўнғироқ қилаётган экан. — Ёлғизликда қийналмаяпсизми? Келинингиз ҳам иш орқасидан Тошкентга келиб қолганимиздан хурсанд эмас. Ҳар куни сиз ҳақингизда гаплашамиз. Набираларингиз бир ой бўлмай соғиниб қолишди. Худо хоҳласа, бугун байрамни ҳаммамиз олдингизда, бир дастурхонда ўтказамиз. Йўлга чиқяпмиз, онажоним.

Ая астагина: “Раҳмат, ўғлим!” дея олди-ю, юрагининг туб-туби жизиллаб кетди...

Ўшанда каттаси ҳали ўн ёшга етмаганди. Эрта тонгда эшик ортидан чақалоқнинг “инга”си эшитилиб қолди. Қизиқ, саҳарлаб боласи билан ким келди экан, дея шоша-пиша эшикни очди. Не кўз билан кўрсинки, шундоққина остонада йўргакланган чақалоқ турарди. Она эмасми, юраги қинидан чиқаёзди, қўшниларни чақирди. Эмизикли келиндан Аллоҳ учун она меҳридан маҳрум болага кўкрак тутишни илтимос қилди. Ички ишларга хабар берилиб, ҳолат бўйича ўрганишлар бўлди... Натижа чиқмади. Гўдаклар уйига олиб борилган чақалоқни асраб олиш бўйича барча расмиятчиликларни адо этиб, ёлғиз она бўлса-да, имконияти борлигини айта-айта: “Бу менга Аллоҳнинг марҳамати, онаси бежиз менинг эшигим тагига ташламагандир”, дея уни фарзандликка олди. Ўшанда ая қирқ ёшларда, турмуш ўртоғи автоҳалокатга учраб, вафот этганига саккиз йиллар бўлганди. Болага Умид деб исм қўйишди.

Умид Хуршид қатори онаизор меҳри оғушида бўлди. Аммо Хуршиднинг назарида онаси Умидни кўпроқ яхши кўраётгандай туюлаверди. Кунларнинг бирида: “Нимага боққан болангизни туққанингиздан яхши кўрасиз?” деб ўдағайлаганида, Умид иккинчи синфда ўқирди. Зеҳнли, ҳушёр эмасми, одамлар доим: “Нимага акангга ўхшамайсан?” дейишларининг мағзини чақди. Чақди-ю, онаизорига меҳри ўн чандон ортди. Нимагадир унга янада қаттиқроқ боғланиб қолди. Ҳар гал она қўйнига сингиб, унинг меҳрига қониб-қониб оларди ва бу, албатта, Хуршиднинг ғашини келтирарди.

Йиллар оқар дарёдай ўтарди. Ёшлигидан хушсурат, келишган аёл бўлган ая тақдир чорраҳаларида йўлиққан “харидорлар”га рўйхушлик бермади. Буни ўзига эп билмади. Ахир икки ўғлига ҳеч ким ўз отасидай бўлмайди-да. Кундузи ишга чопса, кечаси дўппи тикди: болаларим кам бўлмасин, деди-да. Хуллас, бутун ёшлиги, меҳри, куч-қуввати — борини икки ўғил камолига пойандоз қила олди ая.

Хуршид ҳунарманд, Умид ўқиб, анчайин билимдон ҳуқуқшунос бўлди. Каттасини уйлади. Топиш-тутиши чакки эмас, маҳалласига ҳовли-жой қилиб чиқиб, укасига уй бўшатди. Умид ҳам ўзига лойиқ-муносибига уйлантирилди. Мана, икки фарзандли ҳам бўлишди. Аммо иши Тошкентга кўчирилгани...

Бугун уйи меҳмонга тўладиган онаизорнинг кўнгли тўлиб, энтикиб, деразадан каттаси томон боқади. Мана ҳозир-ҳозир икки набирали бўлишга улгурган Хуршид ўғли уларни етаклаб, дарвозадан чиқади. Билади, чеваралари катта бувижонисини яхши кўришади. Қўлидан чиқиб, бу томонга чопадилар. Хира тортган кўзлари икки қўлида бола етаклаб келаётган одамга тушди. Ҳа, бу Хуршид ва ниҳоят, дийдорлашади! Шоша-пиша эшикни очиб, билмасдан зинанинг иккинчи поғонасига қадам қўйиб, думалаб кетди. Хаҳ, эшик олдида кутаверса бўлмасмиди-я, интизорлик ҳам шунчалар бўладими?!

Онаизор шифохонада кўзини очиб, Хуршиднинг дийдорини ғира-шира кўрди. Кўкимтир тортган лаблари: “Шукур, дийдор қиёматга қолмади, болам!” дея шивирлаганини боласи ё англади, ё англамади. Охирги нафасда бор кучини тўплаб: “Уканг келяпти, яхши кутиб олгин, уни асло ёлғизлатма”, дея олди. Онаизорнинг лаблари сассиз пичирлади, калима ўгирди чоғи. Ва... меҳр тўла кўзлари мангу уйқуга кетди.

— Онажо-о-н, бизни ташлаб кетманг! — Хуршиднинг овози борлиқни тутиб кетди...

Умид, ҳартугул, онасининг совуқ дийдорини кўриб қолди. Бел бойлаб, тобутнинг олдида бораётган бири-биридан келишган, каттаси бўйдор, кичиги ўртабўй ўғилларнинг қулоқларига одамларнинг: “Маҳалламизнинг ибратли, болажон аяси эдилар. Шунинг учун ҳам мангу манзилларига улуғ кунларда сафар қиляптилар”, деган сўзлари эшитиларди.

“Яхши амалларингиз, менга берган меҳрингиз учун ҳам мангу манзилингиз нурларга тўлсин, онагинам!” — бу тилакни дил-дилидан такрорларкан, қанчалар жиддий одам бўлмасин, Умид қуйилиб келаётган кўз ёшларини ичига ютолмасди...

Хуршиднинг кўзлари жиққа ёшга тўлган эди...



**Муаллиф ҳақида:**

Ҳадичахон КАРИМОВА – Фарғона вилоятида туғилган. Узоқ йиллар Қўштепа тумани ҳокимлиги муассислигидаги “Истиқбол йўли” газетасида фаолият юритган. 2001 йилда “Шуҳрат” медали, 2022 йилда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланган. Муаллифнинг “Тилакларим қалбимда бисёр”, “Мен ўзбек қизиман”, “Ҳайрат” сингари ўнга яқин китоблари нашр этилган.

# РАҲИМ РАЖАБОВ КИМ ЭДИ?

## ёки ўзига берилган уйни муҳтож оилага совға қилган ҳалол ва камтарин раҳбар ҳақида хотира

1-б.

“Сиз ҳақингизда ҳамма яхши гап айтади”, деганимда, “Раҳмат, ука”, деган гапни минг хижолат бўлиб айтдилар. Сўнг журналистлигим тутди. “Ака, Солижон Мамарасулов ҳақида нима дейсиз?” деб сўрадим. Шунда: “Солижон ака битта костюм-шимда юриб, тўғри сўз, ўта ҳалол, билимдон, ҳақиқий камтар раҳбар сифатида ишлаб ўтди-кетди-да. Қани энди, барча ҳокимлар ҳам шундай бўлса”, деган гапни айтдилар. “Инсоний фазилатлар, айниқса, камтарлик бобида ўзингиз ҳам қолишмайсиз”, дегим келди.

Араб тадбиркорлари Тошкентга келгач, Раҳим аканикига меҳмонга боришади. Хорижлик бойлар машинадан тушгач, ҳукумат раисининг ўринбосари, Давлат котиби бўлган инсоннинг бундай камтарона уйда яшашига ишонмайдилар. Улар қандайдир қасрга дуч келамиз, деб ўйлашган экан. Шунинг учун бироз беписандлик пайдо бўлади. Лекин ичкаридаги самимият ва Раҳим аканинг минглаб китобдан иборат кутубхонаси билан танишгач, бу қарашдан асар ҳам қолмайди. Улар ҳақиқий бойликка, кутубхонага дуч келишганди... Алихонтўра Соғунийнинг ханжари ҳам ана шу кутубхонада сақланган. Бу ханжарни Соғунийнинг ўзлари Раҳим акага совға қилган. Ҳаммага ҳам берилавермайдиган туҳфа.

Энди тарихга мурожаат қилсак.

Раҳим Ражабовнинг она томонидан катта бобоси Ражаб оқсоқол чўрткесар, ўз фикрига эга, эл манфаати учун курашчан киши бўлган экан. Ражаб оқсоқол Бухоронинг сўнгги амири буйруғи билан икки марта калтакланган. Тўғри сўз, халқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўйган бобо Амир Олимхоннинг ана шундай “сийлови”га эришган.

Унинг отаси Ражаббой Хўжаев ҳам эл назаридаги киши бўлган. У 1930 йилларнинг қатағон машинасидан кўплаб оилаларни асраб қолган экан.

Раҳим Ражабов дастлаб “Ташсельмаш” заводида слесарь, муҳандис-механик, лойиҳачи-муҳандис бўлиб ишлаган. Сўнг бош муҳандис, Тошкент экскаватор заводида директор бўлганида Шароф Рашидов назарига тушган. Тошкентда Раҳим Ражабовнинг “Алгоритм”и деган гап бор. У 1981 йилнинг январида пойтахтда бунёд этилажак “Алгоритм” заводи қурилишида бош-қош бўлиб, шу заводнинг директори лавозимига тайинланади. Бу электрон ҳисоблаш машиналари заводи бунёд этилишида Шароф Рашидовнинг хизмати қай даражада бўлганлиги китобда батафсил ёзилган.

Янги заводга юқори кучланишли электр линиясини тортиш керак бўлади. Аммо линия тортиладиган жойда 152 оила уй қуриб яшаётганди. Шунда бу уйларни бузиш кераклиги айтилади. Шўро ҳукумати тезда маблағ ҳам ажратган. Бузиш учун юқорининг буйруғи бор. Барча техника шай ҳолга келтирилади. Ҳамма Раҳим Ражабовнинг топшириғини кутарди. Шунда масъул ходимлардан бири унга бир ҳовлидаги кампир уйи бузилишини истамай, қаттиқ ранжиганлигини айтади.

Раҳим ака кампирнинг ҳовлисига кириб, ўзининг кимлигини айтмасдан, бир пиёла чой баҳона суҳбатлашади. Онанинг уч фарзанди урушда ҳалок бўлган, ўзи қолган фарзандлари билан уч марта “снос” азобини тортган экан.

Ражабовнинг фикри бутунлай ўзгаради. “Онажон, уйингиз бу гал бузилмаса, нима қиласиз?” дейди.

“Дуо қиламан, еттидан етмиш пуштигача ҳамма аждод-авлодинг ҳаққига дуо қиламан, ўғлим”, дейди кампир.

“Онахон, қани, дуо қилинг, мен шу ишнинг бошида турадиган бўлсам, уйингиз бузилмайди, яшайверинг, тўй-томоша қилсангиз, қутлагани келамиз...” деб кампирга тасалли беради.

Сўнг Ражабов мутахассисларга “кампирнинг уйини ҳам, кўчадаги бошқа уйларни ҳам бузмаймиз. Линияни ўтказишга бошқа ечим топинглар”, деди. “Тошкентда тасдиқланган, Москва маъқуллаган лойиҳани бузишнинг жавобгарлиги бор, Раҳим Ражабович!” дейди мутахассислардан бири. “Жавобгарлик ва масъулиятни ўз зиммамга оламан, сиз айтганни қилинг!”. Раҳим Ражабовнинг бу қатъий жавобидан кейин симёғочларни баландроққа кўтариб ечим топишади.

Шундай қилиб, 152 оила яшайдиган уйлар бузилмай қолади. Ана, халқпарвар раҳбарнинг кучи, унинг қиёфаси. Бўлмаса, шўро машинасининг куч-қудрати катта даврлар эди, ўшанда. Юқорининг буйруғи ҳар нарсадан сўзсиз ижро этиладиган пайтда бир кекса кампирнинг гапларига ким ҳам қулоқ соларди? Бу воқеани ўқиган бугунги айрим ҳокимлар қилаётган ишларига бошқатдан назар солсалар, эл назаридан қолмасмиди?

### РАҲИМ РАЖАБОВ — ДАВЛАТ КОТИБИ

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат котиби лавозими давлат ҳокимияти тизимидаги бутунлай янги воқелик эди. Унинг бош вазифаларидан бири аппаратдаги 6 нафар Давлат маслаҳатчисининг фаолиятини мувофиқлаштириб боришдан иборат бўлган. Давлат котиби Раҳим Ражабов МДҲ давлат раҳбарларининг Минск шаҳрида ўтказилган саммитида Ўзбекистон делегацияси таркибида йирик амалдор сифатида иштирок этади. Китобдан парча:

“Ўшанда Ўзбекистонда буғдой масаласи муаммо бўлаётганди, — деб эслайди Раҳим Ражабов. — Украина президенти Леонид Кравчукнинг ёнига бориб, у билан буғдой борасида гаплашдим. “Ёрдам бераман, фақат Ислом Каримов номидан менинг номимга хат қил ва сен билан бирга эртага Киевга учамиз. Мен ҳамма губернаторларни чақирганман. Уларнинг ҳар бири ўзича Президент, хатингни кўрсатиб, ўша ерда ҳал қиламиз”, деди. Учрашувда олдинига губернаторларнинг баъзилари тихирлик қилишди. Леонид Кравчук уларга Ўзбекистон, ўзбек халқи уруш йилларида минглаб украиналик фуқароларга ёрдам берганини, Ўзбекистонга эвакуация қилинганларни бошпанасиз, нон-сувсиз қолдирмаганини айтгач, барчанинг боши эгилди. Ҳаммаси ўз имконияти даражасида буғдой беришга рози эканини билдиришди. Бир неча кундан кейин дастлабки вагонлардаги буғдой Ўзбекистонга етиб келди...”

Раҳим Ражабовнинг Давлат котиби бўлиб ишлаган даврида вазият анча оғир эди. Ўша пайтда биринчи Президентимизнинг Наманганга борганини билишади. Ўша пайтлар Раҳим Ражабовнинг Наманганга қилган сафарини кўпчилик билмайди. Ўшанда бир гуруҳ кучлар Наманган машинасозлик заводини қуршаб олиб, турли талабларни илгари сураётган эди. Вазият издан чиқиши мумкинлигини ҳис қилган Давлат раҳбари: “Ўзингнинг заводинг, бориб тинчитиб кел”, дея уни Наманганга юборади. Вазият қалтис эди. Давлат котиби улар билан музокарага киришади. Раҳим Ражабов: “Мен қуролсизман, сен ҳам қуролингни ташла, нима гап бўлса, эркакча гаплашамиз ва ҳал қиламиз”, дейди. Рақиб Ражабовнинг қўлига 13 банддан иборат талаблар ёзилган қоғозни тутқазади. Мулоқот жиловини қўлига олган Раҳим Ражабов 13 талабнинг 12 тасини бажара олишига уни ишонтиради.

Сўнг гуруҳ олдига чиқиб, “Модомики мен сизнинг талабингизни қабул қилдим, 12 та таклифингизнинг бажарилишига кафил бўлдим, сизлар ҳам менинг талабимни қабул қилинг ва уйуйингизга тарқалинг”, дейди Раҳим Ражабов қатъий овозда. Хуллас, қонунда рухсат берилмаган тадбирга ҳеч кимнинг бир мўйи тўкилмасди.

### ҲАЛОЛЛИККА ҲАЙКАЛ ҚЎЙИЛСА...

Кўп нарсаларга ҳайкаллар бор. Ҳатто қушлар ҳам эътибордан четда қолмаган. Лекин ҳалолликка қўйилган ҳайкални эшитмаган эканман. Бунинг учун катта ижодий салоҳият ва меҳнат сарфланса керак. Чунки ҳалол яшаш ва ҳалоллик нима эканлигини амалда кўрсатиш осон иш эмас. Дунёдаги кучли мусаввир ва ҳайкалтарош ҳамкорлиги зарур бўлади. Бу ҳаётда ўта тўғри, ҳалол бўлиб яшаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Қаердадир сал четга чиқиш, чекиниш ҳолатлари юз бериб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам кўпинча беайб парвардигор, деган сўз ишлатилса керак. Раҳим Ражабовнинг мазмунли умри ҳақидаги китобни ўқиш давомида “наҳотки шундай яшаш ҳам мумкин?” — деган саволларни ўз-ўзимга бериб кўрдим. Чунки кундалик ҳаётни кўриб, кузатиб турган киши сифатида, айниқса, айрим амалдорлар турмушини ўзгаларга солиштириб таққослаганда кўплаб саволлар пайдо бўлиши аниқ. Китобдан яна бир парчани биргаликда ўқисак:

“Алгоритм” заводи қурилиб ишга туширилгач, қурилишни олиб борган ташкилотлардан бирининг раҳбари Раҳим Ражабовнинг олдига кириб, унинг қўлига бир ҳовлининг калитини бермоқчи бўлади. “Нима бу?” “Энди, Раҳим Ражабович, қурилиш шунақа нарса... Ортган нарсалардан сиз учун бир ҳовли қурган эдик, бу ўшанинг калитлари”, дейди қабулга кирган раҳбар. Раҳим Ражабов калитларни олади, қурилган уй манзилини аниқлайди ва касаба уюшмасининг йиғилишини чақиради. Гувоҳлар иштирокида заводда ҳалол меҳнат қилиб келаётган, 6 нафар боласи бор, ёши каттароқ оддий бир ишчига қурувчи ташкилотнинг совғаси сифатида уйнинг калитини топширади. “Қурувчи укаларимизга раҳмат айтинг, мана, тежаб қолинган материаллар ҳисобидан бир кошона қуришибди ва уни сизга беришни лозим кўришибди, биз ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз!” Гап нимадалигини, унинг илдизи қаердалигини билмаган ишчи хурсанд, қурувчилар эса ҳайрону лол...

Яхши мутахассис бўлиш учун ҳамма босқичдан ўтмаса бўлмайди. Раҳим ака бир хонали уйда қийналиб қолган куёви Ғуломжон Нарзуллаевни Сибирга бурғиловчига ёрдамчи қилиб жўнатади. “Ўша ерда ишлаб уй олинглар”, дебди. Кимсан, “Алгоритм” заводи директори қизини ўйлаб истаса бир қўнғироқ орқали каттароқ уйни олиб бериши мумкин эдику? У асло бундай йўлни танламагани учун ҳам Раҳим Ражабов бўлган.

Аҳмаджон ака ёзганидек, “Агар юртимизда ҳалолликка рамзий ёдгорлик қўйиладиган бўлса, унда Раҳим Ражабов сиймоси ҳам акс этиши керак”. Раҳим Ражабовнинг жуда катта ишларни ортга қарамасдан бажаришида турмуш ўртоғи Олия опанинг ўрни ҳақида кўп ёзиш мумкин. Уч қиз: Муҳаббат, Санобар ва Нодира. Ҳар бири бир олам. Ота-она ҳар қанча фахрланса арзийдиган фарзандлар. Биттагина мисол. Тиббиёт фанлари доктори Нодира Янгиева бир талабага баҳо қўймаганида, кимлар илтимос қилмади, дейсиз! “Ўқисин, баҳо кейин қўйилади. Ҳеч қандай илтимос ўтмайди”, деб туриб олади. Ўз фанини ўзлаштирмаган талаба эртага одамлар соғлиғи учун масъул бўлишини, яна битта нолойиқ шифокор пайдо бўлишига йўл қўймаслигини таъкидлайди. Ахир у Раҳим Ражабовнинг қизи. Қанийди, ҳамма шифокорлар ва уларга сабоқ берадиганлар Нодирахондай бўлса. Отаси ҳақидаги бу китобнинг дунёга келишига ҳам уч қиз сабабчи эканлигини билгач, қани, ҳамманинг ҳам шундай қизлари бўлса, деб уларга ҳавасим келди.

“Ҳалол бўл. Тўғри юр”. Донишманд отанинг қизларига айтган бу сўзлари мағзини чақмоқ керак. Бирор тадбир ёки дўстлар билан учрашмоқчи бўлганида Раҳим ака: “Интизом бузилмайдими?” деб савол берар экан. Ота ва болалар ўртасидаги бундай муносабатлар ҳам — мактаб. Оиладаги муҳит ва қизларнинг кийинишидан тортиб, илмга, ишга, одамларга муносабатигача эътибор берилишининг ўзи Раҳим аканинг қандай оила бошлиғи бўлганлигини кўрсатади. Китобда қизларнинг отаси ҳақидаги юракдан чиққан хотираларнинг ҳар бирида самимият, меҳр бор. Фахрланиш руҳи яққол сезилиб туради.

Хотиранома Раҳим аканинг жуда кўплаб дўстларининг бир-бирига ўхшамаган дил сўзлари, одамни ҳайратга соладиган ёдномалари ўрин олган. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, таниқли олимлар Сайёра Рашидова, Бахтиёр Турсунов, Иса Ҳамедов, давлат ва жамоат арбоблари, шунингдек, яқинлари, шогирдларининг хотиралари орқали халқимизнинг ажойиб фарзанди ҳақида билиб олиш мумкин. Китобнинг сўнгги саҳифаларида Малика исмли набирасининг ёзганларини ўқийсиз. “Бобом ва бувимни бахтли ҳаётим сабабчиларининг олд қаторида кўраман”, деганининг ўзидан ҳам кичик набиранинг катта гаплари борлигини билиш мумкин. Шундай давомчилари бор инсон, Ўзбекистон халқ шоири Шайхзода домла айтганидек, асло ўлмайди:

*Умрлар бўладики,*
*Тиригида ўликдир.*
*Ўлимлар бўладики,*
*Ўлган одам тирикдир.*

* * *

Китоб муаллифи Саъдулла Ғайбуллаев — журналист-тарихчи. “Фақир киши панада”, деб чеккада юрадиганлардан. Ҳозиргача Саъдулланинг “Қоракўл воҳаси қавмлари”, “Бухоролик шайх ва элчи қисмати”, “Шевамизда бир сўз бор” каби ўндан ортиқ китоблари чоп этилган.

Машҳур одамлар ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ёзилган китоблар кўп. Лекин Ғайбуллаевнинг бу китоби бошқача. Унда бир шахс билан боғлиқ тарих бор. Кўпчилик билмайдиган “сирлар” очилган. Бу китобни бугунги раҳбарлар ўқиб чиқишса яхши бўларди. Лекин бугунги аксар раҳбарлар китоб ўқишни исташармикан? Вақт топишармикан? Қайдам. Лекин рисолада раҳбар, ҳоким қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб бор. Қанийди, ўзига берилган уйни Раҳим акага ўхшаб муҳтожларга бериб юборадиган эҳсонли, мурувватли ҳокимлар кўпайса. Муқим қолиб айтар бўлсак, бу китоб ўқийдиган асар бўлибди. Китобхонларга арзигулик совға бўлибди.

**Анвар АБДУВАЛИЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

ФАХР




**Султонмурод ОЛИМ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# ЮКСАЛИШ

**(Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари ва мураббийларига)**

“Бағрикенг ўзбекнинг ўчмас иймони”[1]
Араб диёрида кўрсатди ўзин —
Аҳли дун картада Ўзбекистонга,
Қайта-қайта қарар бақрайтиб кўзин.

Темур Фарғонада туғилган маҳал
Соҳибқирон руҳи бўлган бир тиргак.
Ахир Кападзенинг армонлари ҳам
Абу-Даби шаҳрида ушалди бешак.

Тенглар ичра биз ҳам тенг бўлмоқ учун
Ўттиз тўрт йил тоза югурдик, елдик.
Худо ёрлақади, берди омад ҳам —
Арафа кунида маррага келдик.

Қарийбки етмиш бир ярим сотихда[2]
Ўттиз саккиз миллион киши жамланди.
Тарихда илк дафъа фахру қувончдан
Юртда миллион-миллион кўзлар намланди.

Қаттиқ хато қилар кимки ўйласа:
“Берди-ку рағбат, — деб, — фақат футболга!”
Бу ютуқ дилларга қадаб уруғлар,
Миллатни чорлади олий иқболга.

Бу тун ухламади, чизди одамлар
Буюк мақсадларнинг тарҳин мустаҳкам.
Охирга етказдим ўзим ҳам, рости,
Тугамай ётган ҳув китобимни ҳам.

Ҳар марра янгилар дилда орзуни,
Каттароқ сўрасанг, бахтинг ҳам кулар.
Ҳожибой[3] тинч ётсин — Америкага
Музқаймоқ емоққа бормайди булар!

**06.06.2025**

[1] Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов қаламига мансуб “Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси” матнидан олинган сатр.
[2] ФИФА талабига кўра, жаҳонда футбол майдонларининг узунлиги 105, эни 68 метр бўлиши лозим. Бу 71,4 сотихни ташкил этади.
[3] Ҳожибой – атоқли қизиқчи Ҳожибой Тожибоев. У: *“Футболчиларимиз жаҳон чемпионатига бориб, ҳеч бўлмаганда, биттадан музқаймоқ еб келишар”,* – дея кулги қилган эди раҳматли.

**Сайёра САМАНДАР**

# ИФТИХОР

Тарихнинг китобин ҳар ким ёзолмас,
Миллатнинг дуосин ҳар ким ололмас,
Оламни ҳайратга ҳар ким сололмас,
Мундиал, қарши ол, ўзбек боряпти!

Бўлмагай шавкатли элнинг армони,
Ҳимматли, давлатли элнинг армони,
Ғайратли, савлатли элнинг армони,
Мундиал, қарши ол, ўзбек боряпти!

Ватанни севмоқнинг билмай адоғин,
Юракка туғганча халқнинг ардоғин,
Елкага осганча юртнинг байроғин,
Мундиал, қарши ол, ўзбек боряпти!

**2025 йил 5 июнь**

ЎЙЛАР

**Обид ҚЎЛДОШ**

# Сўзнинг қадрига етсанг...

Қанийди, “Аллоҳ йўлида нимани қурбон қилдинг?” деганларида, “нафсимни” дея олсам! Ўшанда мендан-да бахтли бўлармиди бу масканда?..

* * *

Минг афсуски, шундай кунлар келади: “табиий” сўзи “Қизил китоб”дан жой олади.

* * *

Ҳар бир нарсага ўзининг табиатидан келиб чиқиб ёндаш.

* * *

Душманингни узоқдан излама, у сен билан. Дўстинг ҳам сендадир.

* * *

У ҳаммадан хато ахтаради ва бошқаларнинг камчиликларини эслаб қолишга уринади. Унга ўзининг ҳеч кимлиги шундай алам қиладики...

* * *

Бахтлиман, дейишга ҳақлиман. Чунки менинг кўзларим бахтсизликни кўрмайди.

* * *

Табиатни севмаслик табиийликни севмасликдир.

* * *

Дунёда одамзоддан ҳам ношукур мавжудот кўрмадим.

* * *

Эзма, майдакаш раҳбар йирингга ўхшайди. Қўйиб берсанг, суяккача етиб боради.

* * *

Ўзидан бошқани тан олмайдиганлар бошқалардан мақтов кутиб яшайди.

* * *

Биз қанчалик ташқарига отилмайлик, ҳақиқий бахт — юрагимизда.

* * *

Бу бешафқат ҳаёт бизни ўзимиз ўйлагандек эмас, бошқалар хоҳлагандек қилиб қўйиши мумкин.

* * *

Шаҳарда светофор, қишлоқда кўнгил бор.

* * *

У гапини маъқуллатиб олиш учунгина савол беради.

* * *

Ҳар бир буюк иш катта қийинчилик билан бажарилади. Аммо инсонлар ўзларини худди бу миллион йилдан буён шундайдек тутишади.

* * *

Наҳотки хурсандчилигимиз, хафа ва норози кайфиятимизни усталик билан яширадиган кимсаларга айланиб қолдик?

* * *

Юраги тоза бўлмаган одамнинг эзгулик ҳақидаги сафсатаси кулгимни қистатади.

* * *

Сўзнинг қадрига етсанг, сўзламаслик ҳақида ўйлай бошлайсан.

* * *

Китоб ўқимайдиган кимсалар билан суҳбатим об-ҳаво ҳақида бўлади.

* * *

Жуда бачканалашиб, майдалашиб ёзадиган эзма “ёзувчи”ларимиз бор. Уларни сўзнинг уволи уради.

* * *

Одатда, дори аччиқ, лекин унинг фойдаси ширин бўлади. Танқид деганда шуни тушунаман.

* * *

Эътибор қил, раҳбарга қандай ҳурмат кўрсатиляпти, ўринбосарга, оддий ходимга-чи? Бунда манфаатнинг ўрни нечоғли?



**Муаллиф ҳақида:**

Обид ҚЎЛДОШ — Бухоро вилоятида туғилган. “Хаёлимни ўғирлаган қиз”, “Моҳиятга сайр”, “Унутилган ашула” номли китоблари чоп қилинган. Ҳикоялари турк, озар, қирғиз, рус ва инглиз тилларига ўгирилган.

Диққат билан кузат, ўшанда одамларнинг асл қиёфаларини кўрасан.

* * *

Фоний дунё майпарастнинг дўконига ўхшайди. Дастлаб ҳамма эшитади, ҳеч ким гапирмайди. Сўнг барча сўзлайди, биров тингламайди.

* * *

Битта мақола ёки китобнинг муаллифи 2-3 киши бўлган ҳолларни ҳам кузатяпмиз. Бу қанчалар ачинарли ва кулгили.

Ҳар бир асар гўё фарзанд. Фарзанднинг эса отаси битта бўлади.

* * *

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Адади: 4 310
Буюртма — Г-644

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
*Баҳоси келишилган нархда*

1 2 3 4 5 6

Топшириш вақти — 21[00]
Топширилди — 22[10]

ISSN 2181-0680

*Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.